

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИГА КИРИШИ ВА УНИ ОҚЛАМОҒИ КЕРАК



«ВАТАН  
МАДҲИНИ  
КУЙЛАЙВЕРАМАН»

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



# ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 22 июль, шанба • 29 (3663)-сон



Ҳар кимки вафо қилса,  
вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса,  
жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай  
ёмонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса,  
жазо топқусидур.

**БОБУР**



# POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун



# РЕСПУБЛИКА ИИБ ХАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов олиб борди.

Кун тартибига иккита масала киритилган эди. Аввал ички ишлар идораларининг 2006 йил биринчи ярим йиллигидаги тезкор-хизмат фаолиятининг натижалари ҳамда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартиботни ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари ҳақида республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров маъруза қилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ИИБ ЖИЭББ бўлиналари фаолиятини такомиллашти-

риш ва жазони ижро этиш тизимида махсус муассасаларни ташкил этиш борасидаги Қарорлари талабларини бажариш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар масаласи кўриб чиқилди.

Муҳокамаалар чоғида айрим вилоятлар ИИБ, республика ИИБ ЖИЭББ муассасалари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, ИИБ Бош бошқармалари, бошқармалари ва мустақил бўлимлари, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ бошлиқлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

*Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида Нукус шаҳрида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.*

Шу муносабат билан ўтказилган тантанادا Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов қатнашиб, бионинг рамзий калитини топширди.

Таъкидлаш жоизки, бунёдкорлик ишлари маҳаллий бюджет ҳисобидан, Рустам Авазимбетов раҳбарлигидаги

# МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

кўп тармоқли хусусий фирма қурувчилари томонидан амалга оширилди. Замонавий услубда қурилган, икки қаватдан иборат, ўттиз ўринга мўлжалланган бу бино аввалгисидан тубдан фарқ қилади.

Айниқса, спорт зали мавжудлиги, машғулот ўтиш учун спорт анжомларининг етарли эканлиги қувончлидир.

Тантанали маросимдан сўнг полков-

ник Х. Ибрагимов Хўжайли шаҳридаги Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, кўнгли ярим болажонларга турли-туман соvgалар топширди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда вазир ўринбосари, полковник Аман Исмоилов иззат-ҳурмат билан нафақага кузатилди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ

## МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ

# ОДАМГАРЧИЛИК

Хайдовчилар борки, ўз феъл-атворларидаги салбий жиҳатларни йўлда ҳам намоён қилишади.

Йўл бериш ёки узоқни ёритувчи чироқларни алмаштиришни хоҳламаслик, ўзини бошқа хайдовчиларга нисбатан баланд тутиш ҳоллари йўл ҳаракати учун хавф туғдиради. Бунга мисол тарзида шунга айтиш мумкинки, баъзан сиз транспорт воситасини қувиб ўтасиз. Сал ўтмай қарабсизки, бундан «ранжиган» хайдовчи жаҳл билан газни босиб, ўнгу сўлига қарамай, машинасини олдинга ундайди. Гоҳида эса сиз қувиб ўтмоқчи бўлган хайдовчи тезликни ошириб, барча йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит беради. Бундай бемаъни ҳуқуқатвор йўл-транспорт ҳодисасига сабабчи бўлиши турган гап. Инспекторнинг диққати ана шундай хайдовчиларга қаратилмоғи лозим.

Баъзида инсонга чора кўриш эмас, ёрдам бе-

риш зарур бўлиб қолади. Айтайлик, бошқа шаҳар ёки узоқ қишлоқдан келган хайдовчи адашиб, қийин аҳволга тушиб қолди ёхуд яқингинада рулга ўтирган киши ўзини йўқотиб қўйди. Ёки бола кўтарган аёл машина тўхтатмоқчию, иложи бўлмапти. Хуллас, инспектор ёрдам бериши мумкин бўлган вазиятларни кўплаб санаш мумкин. Бундай кезлардаги яхши маслаҳат, беминат ёрдам инспекторга нисбатан бошқаларнинг хайрихоҳлигини янада мустаҳкамлайди.

Хўш, ҳаммамиз ҳам ўз хатти-ҳаракатларимиз билан бир-биримизга суянчиқ бўлаёلمизми? Йўлда машина ҳайдаб борар экансиз, одатда капотни кўтариб қўйган ёки йўл четига челақ ушлаб турган, ҳар бир машинага «тўхтармикан» деган илинжда маъюс боқаётган хайдовчининг кўп кўргансиз, албатта. Хўш, бундай пайтда тўхтаб, ёрдамнингизни таклиф эт-

ганмисиз? Питнак шаҳрида бир хайдовчи билан суҳбатлашиб қолдим. У 19 йилдан бери машина бошқарар экан, шу давр мобайнида фақат бир марта тўхтаб, нотаниш хайдовчига ўз хизматини таклиф этибди, холос.

Бундан кўп йиллар аввал телевидение орқали ЙПХ ходимларининг журналистлар билан ҳамкорликда ўтказган қизиқ бир тажрибаси намоён қилинганди. Аҳоли яшаш жойларидан анча узоқда, йўлдан четга чиқиб, тўнкарилган машина ва ярим очиқ эшикдан чиқишга уринаётган хайдовчи худди ҳақиқий йўл транспорт ҳодисасига ўхшатиб қўйилади. Ундан сал нарида эса ЙПХ ходимлари ва журналистлар кинокамерада яширинча назорат қилиб турадилар. Йўлдан ўтаётган хайдовчиларнинг айримлари бу манзарани кўриб тезликни оширишади, бошқалари эса томоша учун тўхтайдилар. Лекин

ҳеч ким машина ёнига бормайди, жароҳат олган хайдовчига ёрдам қўлини чўзмайди. Бунинг сабаби нимада: лоқайдликми ёки ноинсонийликми?

Бир-икки оғиз сўз болалар ҳақида. Улар йўлда ўзларини қандай тутишяпти? Худди оталаридек. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар осмондан тушмаган, чекадиган ёки ичадиган ота ҳеч қачон ўглини шу нарсалардан тийилиб туришга чақира олмайди. Ҳаракат хавфсизлиги, йўлда юриш маданияти масалаларида ҳам ўглига тўғри маслаҳат беролмайди. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек отасининг қоида бузганини кўрган бола ҳам шунга йўл қўяди. Йўлда машина ҳайдаб борар экансиз йўлак қолиб, катта йўлда тизилишиб бораётган болаларни кўриб гашингиз келади. Улар машина яқинлашганда ҳам йўл беришни ҳаёлларига келтиришмайди. Булар, аввало, болалар боғчаси, қолаверса, мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга етарли эътибор берилмаётганини кўрсатиб турибди.

Инсоннинг ички дунёси мукамаллигига қараб юриш-туриши ҳам шу даражада маданиятли бўлади. Бошқалар яхши муомала қилишини истаган киши, аввало, ўзи яхши муносабатда бўлиши керак. Бу ҳақда донолар шундай деганлар: «Манфаат ниҳолини кўкартирган киши тинчлик, шодлик мевасини ейди, озор уругини сепган киши зарардан ўзга ҳосил олмайди».

К. ОСТАНАЕВ.

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### ҲОВУЗДАГИ ЖАСАД

Андижон шаҳри Боғишамол даҳасида жойлашган дала ҳовлилардан биридаги ҳовуздан кўкрагига ўткир тигли жием билан жароҳат етказиб ўлдирилган 25-30 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилди. Унинг шахси аниқланганда шу шаҳарлик Шерзод Юсупов бўлиб чиқди. У бир кун олдин ўзининг «Тико» русумли автомобилида кира қилиш учун уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган эди. Автомашинани техник соҳда топилди. Жиноят талончилик мақсадида содир этилмагани кўриниб турарди. Буни инобатга олган ички ишлар ходимлари тезкор қидирув ишларини тўғри йўналишда олиб бориб, яхши натижага эришишди. Муқаддам судланган ў. Шерзод ва унинг жияни ў. Дониёрлар ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб, қўлга олиндилар.

### ЎЗ МУЛКЛАРИНИ ЎМАРИШДИ


Ҳаётда ҳар хил воқеалар бўлади. Аммо ўсмирларнинг ўзлари таълим олаётган даргоҳдан жиҳозларни ўмариб кетишларини изоҳлашга тил ожизлик қилади. Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги мактаблардан бирида ана шундай талончилик рўй берди. Тонгга яқин беш нафар номтаълум кимса қоровул Юрий Платоновни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, раҳбарнинг хонасига эшикни синдириб киришди. У ердан «ТСС» русумли телевизор, «LG» видеомагнитофон ва «Романтика» магнитофонини олиб, жуфтакни ростлади. Талончилар шу мактаб ўқувчилари И. Александр, Л. Виктор ва уларнинг уч шериги бўлиб чиқди. Ўсмирлар қилмишларига яраша қонун олдида жавоб берадилар.

### ИССИҚХОНАДАГИ ЎҒИРЛИК

Сирдарёлик хусусий тадбиркор Бахтиёр Одилов Синдиробод ширкат хўжалигида жойлашган иссиқхонадан хабар олиш учун келса кимдир 462 метр темир қувурларни ўғирлаб кетибди. У шу атрофдаги одамлардан сўраб-суриштирган эди, бирор жўяли гап эшитмади. Кейин ҳафсаласи пир бўлиб, ўзи яшаётган худуддаги ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилди. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари тадбиркорнинг тушкунликка тушишига йўл қўйишмади. Чунки зудлик билан олиб борилган суриштирувлар Синдиробод ширкат хўжалигида яшовчи Ч. Шавкат ва қашқадарёлик Б. Суннатиллолар ушбу жиноятга қўл уришганини кўрсатди. Ҳозирда улар терговчининг саволларига жавоб беришмоқда.

### ЎЗБОШИМЧАЛИК ОҚИБАТИ

Фарғона вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг Кува тумани бўлими ёқилги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси худудида ёнгин содир бўлди. Кўрилган чоралар натижасида офат 40 дақиқа ичида даф этилди. Аммо омборхонанинг 40 кв. метр томи ёниб, зарар кўрди. Ёнг аянчлиси... Дастлабки суриштирувларда шу омборхона ишчиси Б. Азиз ўзбошимчалик билан ўзи билан бирга ишлайдиган Д. Дониёрнинг «М-412» русумли автомобилига челақда ёқилги келтириб қуяётганида бензин тўкилиши оқибатида ёнгин келиб чиққан эди. Бунинг оқибатида Б. Азиз воқеа жойида оламдан ўтган. Д. Дониёр эса куйиш жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.



Йўлдан боқибегамларча ўтган мана бу йўловчининг сал бўлмаса мотоцикл уриб юборай деди.



# МАҚСАД – ГИЁХВАНДЛИККА ЗАРБА БЕРИШ

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг масъул ходимлари Чень Шаосинь ва Дай Суюкуйлар жиноятчиликка қарши курашда зарур бўлган криминалистик техникалар билан таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти ИИБга ташриф буюрдилар. Меҳмонларни вилоят ИИБ бошлиғи,

полковник М. Жабборов қабул қилди.

Қабул чоғида ҳар икки томон вилоят ҳудудига қонунга хилоф равишда гиёхвандлик моддаларини олиб кириш билан боғлиқ жиноятлар, қўшни Афғонистон Ислоҳ Республикаси ҳамда Тожикистон Республикаси чегараларидан гиёхвандлик воситаларини

мамлакатимизга ва республикамиз орқали МДХ давлатларига тарқалишига қарши, курашиш борасидаги чора-тадбирлар хусусида суҳбатлашдилар. Икки томонлама келишувга кўра Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ёрдами билан вилоят ИИБ ва Денов тумани ИИБда

гиёхвандлик воситаларини текширувдан ўтказувчи лаборатория (хрономотограф) ўрнатилиши режалаштирилди. Меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси ИИБ эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, полковник Т. Никишин ҳамроҳлик қилди.

Учрашув сўнгида Хитой Халқ Республикаси элчихонаси вакиллари вилоят ИИБ музейи учун эсдалик совғалари тақдим этдилар.

**К. УММАТҚУЛОВ,**  
подполковник.

## АМАЛИЁТ

# МИНГ БОРА ЭШИТГАНДАН...

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсантлари олган назарий билимларини мустақамлаш мақсадида шу кунларда жойлардаги ички ишлар идораларида амалиёт ўташмоқда. Жумладан, 72 нафар андижонлик тингловчи шу вилоятдаги ички ишлар идоралари фаолияти билан танишишяпти. 1-2 курсда таҳсил олаётганлар ўзлари яшайдиган туман ИИБда тажриба ўрганишмоқда. 3-курс тингловчилари эса Андижон шаҳар ИИБ ва вилоят ИИБ ЭКБда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича амалиёт ўташмоқда. Улар жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тергов ва криминалистика хизматларининг амалий фаолиятини ўрганишяпти. Тингловчилар бу таълим турига ўта масъулият билан ёндашишмоқда, касб сирларини ўрганишига, назарий билимларини амалий жиҳатдан мустақамлашга интилишмоқда. Бу борада Асилбек Казаков, Шерзод Соипов, Баҳодир Раҳмонов, Мансур Хайдаров, Авазбек Шомуродов кабилар бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

2-курс тингловчиси Нафиса Хидиралиева Марҳамат тумани ИИБда амалиёт ўташяпти. Ходимларнинг сўзларига қараганда, у жудаям ҳаракатчан, вақтининг асосий қисмини тергов бўлинмасида ўтказди. Туман ИИБ бошлиғи, подполковник Қобулжон Мадумаров: «Нафиса келажакда яхши терговчи бўлиб етишади», — дейди.

Тингловчилар ҳар ҳафта вилоят ИИБда тўпланишиб, амалиёт қандай ўтаётганлиги ҳақида ахборот беришади, таассуротларини ўзаро ўртоқлашишади. Шу кунларда Андижон вилояти ИИБ ШТБХ ходимлари тингловчилар ва ички ишлар идоралари фахрийлари, Академия ўқитувчилари ва тингловчиларнинг ота-оналари ўртасида учрашувлар ташкил этишмоқда. Бундай учрашувларнинг самараси ўлароқ интизом мустақамланиши, масъулият ва самара ошишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ёзги таътилдан сўнг тингловчилар таҳсилни давом эттириш учун яна Академия бағрига — қадрдон дарсхоналарига қайтишади. Фақат ўшанда улар олган назарий билимларини ички ишлар бўлинмаларида амалий жиҳатдан муайян даражада мустақамлаб улгуришган бўлишади.

**Анвар САМАНДАРОВ,**  
подполковник.

# МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАЙЛИК

Воҳа деҳқонлари учун беҳаловат кунлар, кунларни тунларга улаб ишлайдиган пайтлар келди. Эрта-индин пахта йиғим-терими бошланиши деҳқон масъулиятини ўн чандон оширади. Ишнинг бундай тигиз вақтларида техника деҳқоннинг узогини яқин, оғирини енгил қилади. Улар тўла маънода пахтакорларнинг мададкорига айланади. Бу эса механизатор ва ҳайдовчиларга катта масъулият юклайди.

Аммо шундай кунларда ҳам вазиятни тўғри баҳолаётган, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига беписандлик билан қараётган баъзи кимсаларнинг борлиги кишини ажаблантиради. Баъзи автожўжаликлар раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларига етарлича эътибор беришмаяпти. Жиҳозланмаган юк автомашиналари ҳамда трактор тиркамаларида йўл ҳаракати қоидаларига хилоф равишда одам ташилаётгани соҳа ходимларининг ўз ишларига масъулиятсизлиги оқибатидир. Шунингдек, трактор тиркамаларида нур қайтаргичларнинг йўқлиги, автомобиль ва тракторларнинг техник ҳолати текширилмасдан ҳаракатга чиқарилаётгани масъул ходимларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараётганликларидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи ҳайдовчилар ҳамон ўз зиммасидаги жавобгарликни унутган ҳолда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, рулга

ўтирмақдалар. Бу инсон тақдирига бефарқлик билан қарашдан бошқа нарса эмас.

Шу ўринда фермер хўжалиги раҳбарлари ҳам ўз зиммасидаги муҳим вазифани унутмаслиги, ўзларига тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлигини доимий назорат остига олишлари лозим. Ана шундагина йўл ҳаракати билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўлишади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қилаётган ишларимиз унумли, хирмонимиз сарбаланд бўлиши ҳам ана шу хайрли ишларимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

**Уллубек АБДУЛЛАЕВ,**  
Богот тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, майор.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

# МАВСУМ ТАДБИРЛАРИ

боғчаларида ёнгинлар келиб чиқишининг олдини олиш муҳим эканлиги уқтириб ўтилди.

Бу масала ҳозирда нафақат пойтахтимиз, балки мамлакат миқёсида долзарбдир. Зеро, юртимизда фарзандларимиз тарбияси, уларни турли фалокат ва кўнгилсизликлардан асрашга ниҳоятда катта эътибор берилаяпти. Болалар ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказишлари кўп жиҳатдан хавфсизликни таъминлашга боғлиқ. Бу борада Бухоро вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари раҳбарлари ҳамкорликда режа ишлаб чиқиб, мавжуд оромгоҳларга масъул ходимлар бириктириб қўйилгани яхши самара бераёпти. Улар жойларда турли тадбирлар ташкил этиб, болаларга ёнгинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ўт ўчириш воси-

талари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартибларини тушунтириб боришяпти. Бундан ташқари, ёнгинлар қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилаяпти. Тушунтириш ишларини олиб боришда махсус тарғибот автобусларидан фойдаланиш, ёнгинларни тасвирда кўрсатиш болаларнинг ушбу офат ҳақидаги тушунчаси янада бойишига олиб келаяпти. Вилоятнинг «Нефтчи» ва бошқа оромгоҳларида бўлганимизда ходимлар амалий машғулот ўтказишяётган экан. Болаларнинг хатти-ҳаракатлари, баҳс-мунозара олиб боришяётгани ва савол-жавоблари ҳар қандай кишининг эътиборини тортади.

Бундай хайрли ишлар Хоразм вилоятида ҳам давом эттирилаяптанинг гувоҳи бўлдик. Қувончлиси, болалар ёнгин хавфсизлиги билан боғлиқ ҳар қандай тадбирда катта қизиқиш билан иштирок этишяпти.

— Яқинда вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимла-



ри билан «Ёнгин хавфсизлиги — ҳаёт мезони» деб номланган кеча ўтказдик, — деди Урганч шаҳридаги 2-мактабгача тарбия муассасаси раҳбари М. Ёқубова. — Унда махсус театрлаштирилган саҳна кўриниши орқали ёнгин келиб чиқиши сабаблари кўрсатиб берилди. Болалар ўз таассуротларини шеър ва ўйинлар орқали ифода этдилар. Шу тариқа улар ёнгин мудҳиш оқибатлар келтиришини тушуниб етдилар.

Кўриниб турибдики, болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидалари қанча эрта ўргатилса, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди шунча тез олинади. Бунини нафақат соҳа ходимлари, балки ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳар биримиз унутмаслигимиз зарур.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА,**  
майор.

**Кун кеча Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармасида йиғилиш бўлиб ўтди. Республика ИИБ ЁХББ раҳбарлари ва пойтахт ички ишлар Бош бошқармаси ЁХБ шахсий таркиби иштирок этган ушбу тадбирда йилнинг олти ойи мобайнида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинди.**

Диққатга сазовор томони, кенг кўламли вазифалар орасида ёз мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, хусусан, умумтаълим мактаблари, оромгоҳлар ва болалар





Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича кенг миқёсда амалий ишлар қилинмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ушбу ислохотларнинг узвий давомидир. Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда эълон қилинган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан маъқулланмоқда.

Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Отаназар Матчонов ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

— Шуни мамнуният билан таъкидлашим керакки, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз манфаатига хизмат қилмоқда. Конституциямизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият, 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикасида 1995 йилнинг 1 апрелига амалда бўлган Жиноят кодекси 33 турдаги жиноят учун ўлим жазосини назарда тутарди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган жиноят кодексига фақат 13 таси қолдирилди. Улар ҳам йиллар ўтиши билан янада қисқариб, айни кунда 2 турдаги жиноят қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси белгилангани бўлди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, дунёдаги 70 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинган. Тўқсондан ортиқ мамлакатда ўлим жазоси амал-

да бўлса-да, аслида қўлланилмапти. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Узоқ йиллик фаолиятим мобайнида жиноят йўлига қадам қўйган кўплаб инсонлар тақдирининг гувоҳи бўлганман. Булар ўз газабларини жиловлаётганликлари оқибатида қотилликка қўл уришган. Бир парча ерни деб бир-бирини чопиб ташлаган қўшнилари, оилавий келишмовчиликлар сабабли қайнотаси ёки қайнонасини отиб ташлаган куёв, хиёнатни кечиролмай хотинини пичоқлаган эр, мерос таллашиб, тиг кўтарган оғаниларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Инсонни ҳаётдан маҳрум этишдек мураккаб масалага баҳо беришда ҳар биримиз ўта жиддий мулоҳаза юритишимиз талаб этилади. Инсонга ҳаётни Оллоҳ берган. Шундай экан бандаси бошқа бировни

ўлдиришга ҳақи йўқ. Халқимизга хос инсоний фазилатлардан бири кечиримликдир. Бу борада аждодларимиз тутган йўлни чуқур ўрганиб, теран фикр юритишимиз, улардан ибрат олмоғимиз лозим. Бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг Ҳиндистонга юришини эсланг. Шоҳ Бобур Ҳиндистон ҳукмдори Иброҳим Лодини енгиб, тахтга ўтиргач, малика Байдани

жонига қасд қилган малика Байдага ўлим жазоси бериш кераклигини талаб қилишса ҳам уларнинг фикрига қарши бориб, маликага то умрини охиригача раҳнамолик қилишни буюради. «Малика бундан кейин ҳам бизнинг зафарларимизни кўрсин, ёмонликка яхшилик қилиш мард кишининг қўлидан келишига амин бўлсин. Агар маликага виждон бўлса, ўгли қилолмай кетган ишларни

**Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир.**

**Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда.**

И. КАРИМОВ.

# ЭНГ МУҚАДАС ТУЙГУ

«Мўтабар онамиздек эъозланг!» деб фармон беради. Аммо малика Байда ўғлининг қасосини олиш учун яширин йўллар билан маккоралик ила Бобур ҳазратларининг таомига заҳар солишни буюради. Заҳарланган шоҳ икки кун мобайнида ўлим билан олишар экан, инсонда яшаш истаги бениҳоя кучлилиги, ҳаётнинг бир лаҳзаси дунёнинг барча бойликларини, тожу тахтидан ҳам азиз эканлигини ҳис этади... Бобур ўзига келгач, азобдан толиққан вужуди ҳамон беҳол бўлса-да, руҳида нимадир ўзгарган ва дунё кўзига бошқача кўрингандек бўлади. Ҳатто аёллари унинг

биз қилаётганимизни кўриб виждони қийналсин. Агар виждони бўлмаса, ичидаги бахиллик чаёнлари ўзини чақиб ётаверсин. Маликага бундан кўра муносиб жазо йўқдир», дейди. Маликанинг ўлим даҳшатидан музлаган қалбига ҳаётнинг илиқ нафаси тегади-ю, кўнглини бўшаштириб юборади. У юзини қўллари билан тўсиб, йиғлаб юборади...

Бир кишини ўлимга маҳкум этгандан кўра, уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилган афзалдир. Қотил ўлим жазосидан кўра, умрбод тутқинликда бўлишдан кўрқадир. Умрбод қамоқ жиноятчини қилми-

шидан тавба қилишга имкон яратади. Чунки жаҳолат, қасд олиш деган тушунчалар инсон онгини заҳарлайди. Жабр кўрганнинг яқинлари қотилга нафрат кўзи билан қараб, унга оғир

жазо — ўлим жазоси берилишини талаб қилишади. Уларнинг бундан кўнгли таскин топгандек туюлади. Лекин вақт ўтиб, ўша қатл этилган инсоннинг оиласи билан дуч келиб қолганида қалбига унга нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Ўлим жазоси берилишини талаб қилганидан афсусланади.

Шуни теран фикрламоғимиз керакки, қотилликка қўл урган инсон ҳам жамиятимизнинг бир аъзоси. Унинг бу жинояти учун жамият ҳам айбдор. Бунда оила, мактаб, маҳалла масъулиятини чуқурроқ англамоғимиз даркор. Ахир, халқимизда «Бир болага етти

маҳалла ота-она», деган пурҳикмат гап бор.

Виктор Гюго шундай деб ёзади: «Ўлим жазосинима? Ўлим жазоси ваҳшийликка хос абадий белгидир. Қаерда ўлим жазоси хуруж қилса, у ерда ваҳшийлик ҳукм суради».

Қатағон йилларида қанчадан-қанча мард ва жасур аждодларимиз ноҳақлик қурбони бўлишди. Адабиёт намояндалари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ҳамда кўплаб давлат арбоблари, олимлар «watan хоини» деган асоссиз айб билан қатл этилдилар. Вақт олий ҳакам, дейишади. Йиллар ўтиши билан бу беғуноҳ инсонлар оқланди. Афсуски, энди кеч эди. Вақтни эса орқага қайтариб бўлмади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ушбу масалада ҳамisha виждонан иш туттишимиз, одил ва оқилона ҳукм чиқаришимиз керак. Ана шундагина қонун олдида ҳам, халқимиз олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

Суҳбатдош: Худойберган ЖАББОРОВ.

Сўнги вақтларда айрим ўзбек қизларининг танфурушлик, фоҳишабошлик қилиб юрганликларини ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалинаёпти. Аксарият ҳолларда уларни ўзбек аёллари турли ёлғон йўллар билан хорижга олиб чиқиб, фоҳишалик қилишга мажбурлашаёпти. Нима бўлганда ҳам улар «Ўзга юртининг донидан ўз юртининг сомони яхши» деган иборани кеч англаб етаяптилар.

«Поста» газетасининг 15 июль сонидан Ш. Қосимованинг «Улар кимлар?» сарлавҳали мақоласида ҳам мазкур муаммо атрофида ёритиб берилди. Мени ҳам анчадан бери ушбу муаммо ўйлантириб келарди. Мазкур мақола туртки бўлиб ўз фикрларимни баён этишга қарор қилдим.

Кунларнинг бирида иш излаб юрган Нозима дугонасидан кўшни маҳаллада Умида опа деган аёлнинг ёш қизларга мос, даромадли иш топиб бераётганлиги ҳақида эшитиб қолади. Қиз шу кунгидеги ўша аёлга учрашади. Аёл ҳам қизга мўмайгина пул топиш мумкинлигини, бунинг учун эса Россияга бориш кераклигини айтади. Аввалига бунга Нозиманинг ота-онаси кўнишмайди. Кейин эса қизнинг қистови, қолаверса, у билан бирга икки дугонаси ва яна бир таниш йигитнинг кетаётганлигидан хабар топишгандан сўнг зўра ролик беришади.

Шундай қилиб, Умиданинг тузоғига илгинган Нозима ва унинг икки дугонаси номига Бирланган Араб Амирликлари (БАА)га бориш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тайёрлайди. Тошкент аэропортидан жўнаётганда уларнинг визалари қалбаки эканлиги маълум бўлади. Шундан сўнг фирибгарлар қизларни Қирғизи-

стоннинг Ўш шаҳри орқали БААга жўнатишга муваффақ бўлишади. Дубайга етиб келгач, қизларнинг паспортларини олиб қўйиб, уларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишади. Саккиз ой давомида қизлар ишлаб топган маблағдан Умида шериги билан бўлишиб олади.

Икки фирибгар бир қанча ўзбек қизларини шу каби алдов йўллар билан хорижга жўнатиб мўмайгина даромадга эга бўладилар. Бу ҳақда ИИБ ходимлари хабар топишгачина жиноятчиларнинг қабиҳ қилмишларига чек қўйилади.

## ДУНЁ САҲНИДАГИ АҲВОЛ

«Бугунги кунда дунё бўйича мамлакатидан ташқарида истиқомат этувчилар сони 125 мил-

лион кишини ташкил этади», деб хабар беради Муҳожирлик бўйича халқаро ташкилоти. Шунингдек, 800 минг нафар нолегал муҳожирлар амалда куллик шароитида ишлашга мажбур бўлаётдилар. Уларнинг барчаси одам савдоси дея аталмиш тора кенг миқёс касб этиб бо-

нинг август ойида Ўзбекистон томонидан мазкур Конвенция ратификация этилган.

Таркибига 180 дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Интерпол халқаро ташкилоти тизимида ҳам одамлар савдосининг олдини олиш бўлими ташкил этилганлиги ушбу муаммо-

ча халқаро ташкилотининг «Ўзбекистонда инсонлар савдосини олдини олиш» лойиҳаси доирасида вилоятларда ана шундай марказ тузилиб, улар хузурида ишонч телефонлари ишлаб турибди. Бир йил давомида бу ишонч телефонларига ўн мингга яқин кўнғироқлар бўлган. Айримлар хорижда ишлаш тартиби ҳақида сўраган бўлса, баъзилар яқинларини қидириб топишда ёрдам беришларини сўраб мурожаат этишган.

## СўНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Аёл — буюк ва мўтабар зот. У биримизнинг онамиз, биримизнинг синглимиз, биримизнинг севимли рафиқамиз. У соғлом авлод тарбиячиси. Аёлни фақатгина эзуликлар элчиси деб ҳисоблаймиз. Жамиятимизда ҳам уларнинг ўрни беқиёс. Юртбошимиз томонидан ўтган йилларимизни «Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили» деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Хотин-қизлар ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида намойиш этишларига мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Мана шуларда ҳам бу зотга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромни кўриш мумкин.

Аёлларимизга ана шундай эътибор берилаётган бир пайтда уларнинг орасида қизларимизни хорижга турли алдов йўллар билан олиб чиқиб кетаётганлар, уларни қулдек сотаётганлар учраётгани афсусланарли ҳолдир. Бу ҳақда бонг уришимиз лозим. Бугунги кунда ҳар биримиз ўз яқинларимизни одам савдоси қурбони бўлишларига йўл қўймаслик йўлида барча чораларни кўрайлик.

Иброҳим САИДОВ.

# ЎЗГА ЮРТНИНГ ДОНИДАН...



раётган муаммонинг қурбонларидир.

Замонавий қуллик кўринишларидан бири бўлган одам савдоси айни кунда бутунжаҳон муаммосига айланиб улгурди. Шу боисдан ҳам БМТ Бош Ассамблеяси 2003 йилда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясини тўлдирувчи махус резолюция «Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш ҳамда унинг учун жазо тайинлаш тўғрисида протокол» қабул қилди. 2004 йил-

нинг нақадар жиддий ҳавфга айланганлигига яна бир далолатдир.

## ЮРТМИЗДА НИМА ГАП?

Мамлакатимизда кейинги уч йил ичида одам савдосининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Унга қарши курашда турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Оммавий ахборот воситаларида муаммонинг ечимига бағишланган материаллар эълон қилинаёпти, турли кўрсатувлар эфир юзини кўраётти. Давлат идоралари ва нодавлат ношароит ташкилотларининг ҳамкорлиги самараси ўлароқ алашганлардан айримлари Ватанимизга қайтишга мушарраф бўлди.

Шу ўринда одам савдосига қарши курашишда «Истиқболди авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази фаолиятига ҳам бир назар ташласак. Миграция бўйи-



# СУД – ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ:

## «ХАБЕАС-КОРПУС»

### ИНСТИТУТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

**Классик юриспруденциядаги жиноий ҳуқуқнинг энг қадимий принципларидан бири — инсоннинг одил судловга ва дахлсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган «Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан ташқари ҳудудларда асоссиз ҳибсга олишларнинг олдини олиш тўғрисида»ги Акт ёки «Хабеас корпус акт» ҳақидаги ҳужжатда ифодасини топган.**

«Хабеас корпус» (habeas corpus) атамаси латинчадан ўзбек тилига ўгирилганда «танани, шахсни (судга) келтириш» маъносини англатади. Фарб мамлакатларида жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини «хабеас корпус» деб номлаш одат тусига кирган.

Мазкур Акт Англия парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб, айбланувчини ҳибсга олиш ҳамда фуқаронинг ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши устидан суд назоратини амалга ошириш қоидаларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур қонунга биноан, ўзининг ёки бошқа бирор кishининг ҳибсга олинишини ноқонуний деб ҳисоблаётган шахснинг аризасига биноан судья зудлик билан ҳибсга олинган шахсни ҳибсга олишнинг қонунийлигини текшириш ва муҳокама ўтказиш учун суд ҳузурига етказиш ҳақида қарор чиқариши зарурлиги белгиланган. Айбланувчини қарорда тегишли асосларни кўрсатмасдан ҳибсга олиш ёки қамоққа маҳкум этиш тақиқланган.

Маълумотларга қараганда, «хабеас корпус» инглиз ҳуқуқ тизимида шахс эркинлиги кафолатини белгиловчи тушунча сифатида милоннинг XII-XIII асрларидаёқ вужудга келган. Хабеас корпус — ҳибсга олиш ёки қамоқда сақлашнинг қонунийлигини текши

риш талабини англатувчи суд қарори сифатида давлат йирик ер эгаларининг қўл остидаги шахсларга нисбатан амалга оширган таъқибларига нисбатан қўлланилган. XV–XVI асрларга келиб эса, қирол томонидан муайян бир шахсга ҳам татбиқ этила бошланган. Бироқ 1679 йилга қадар хабеас корпус ҳақида қарор чиқариш судьяларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланган. Яъни, судьялар хабеас корпусни истаса берган, истамаси йўқ. Бундан ташқари, судьянинг хабеас корпус ҳақидаги қарорини бажармаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлиги ҳам белгиланмаган. Шу сабабли, бу ҳуқуқ самарасиз қўлланилган. Айниқса, Тюдорлар ва Стюартлар сулоласи ҳукмронлиги даври

палата 1627 йилда қабул қилган резолюцияда шундай дейилган: «1. Ҳеч бир эркин шахс бунга тегишли қонуний асослар бўлмади туриб, қирол ёки Махфий кенгаш... бўйруғига биноан ҳибсга олиниши, қамоқда сақланиши ёки бирон бир тарзда эркинликда чекланиши мумкин эмас. 2. Хабеас корпус бўйруғини беришда ҳеч кимга рад жавоби берилиши мумкин эмас ва бундай ариза билан мурожаат қилган ҳар бир шахсга берилиши лозим. 3. Агар эркин шахс бунга тегишли қонуний асослар бўлмади туриб қамоққа олинса ва бу ҳолат ушбу шахсга берилган хабеас корпус асосида аниқланса, у бутунлай озод қилиниши ёки гаров эвазига озодликка чиқарилиши зарур». Мазкур резолюция 1628 йилдаги «Ҳуқуқлар тўғрисида»ги петицияга ҳам киритилган.

Стюартлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида, яъни 1668 йилда хабеас корпус ҳақидаги қонун лойиҳаси парламентнинг жамоалар палатасига киритилди, лекин қабул қилинмади. Худди шунингдек, 1670 ва 1675 йилларда киритилган қонун лойиҳалари ҳам лордлар палатасининг қаршили-

қилинган. Ушбу қонун ҳар қандай ҳолларда, давлатга хоинлик қилиш ва оғир жиноятларда айбланиш ҳоллари бундан мустасно, судларга ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган шахснинг аризасига биноан хабеас корпус ҳақида қарор чиқариб бериш мажбуриятини юклайди. Хабеас корпусни олган мансабдор шахс (шериф, турма бошлиғи, уларнинг ўринбосарлари ва бошқалар) жиноий айблов асосида ҳибсга олинган ёки ушланган шахсни уч кун ичида, башарти озодликдан маҳрум этиш жойи ва суд жойлашган ер ўртасидаги марсофа олислигига қараб этса, кўпи билан йигирма кун ичида судья ҳузурига келтириши ҳамда судья ҳибсга олишнинг қонунийлиги ва асослигини текшириб чиқиши лозим бўлган. Суд ҳибсга олиш асосларини текшириб чиққач, шахсни гаров эвазига озод қилиш, ҳибсда сақлашни асосланган деб топиш ёки шахсни озод этиш ҳақида қарор қабул қилган. Хабеас корпус асосида озодликка чиқарилган шахс иккинчи марта яна ўша асослар бўйича ҳибсга олиниши тақиқланган.

Хабеас корпус ҳақидаги қонунда мансабдор шахслар жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилганлиги, айниқса аҳамиятлидир. Хусусан, мазкур қонунга биноан хабеас корпус ҳақида қарор чиқаришни рад этган судья, шунингдек, судьянинг шахсни келтириш ҳақидаги қарорини бажармаган (ёки тегишли равишда амал қилмаган) мансабдор шахслар ҳибсга олинган шахс ҳисобига

тўланадиган 100 фунт стерлингдан 200 фунт стерлинг миқдоригача жарима жазосига тортилган. Агар шундай қонунбузарлик такрорланса, мансабдор шахс ўз вазифасига нолойиқ, деб топилган ва лавозимдан озод қилинган.

Умуман олганда «Хабеас корпус акт» ўз давридаги инсон ҳуқуқла-

қонунчилигига ёйилган. Ҳозирги кунда инсоннинг одил судловга ва дахлсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи кўплаб халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари умумий назариясининг эволюцияси жараёнида одил судловга бўлган ҳуқуқ кўплаб бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди. Улар орасида «Инсонни қийноққа солишга қарши» Конвенция (1984 й.), «Ҳуқуқ тартиботини таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ атвори» кодексини (1979 й.), «Ҳуқуқ тартиботини таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ атвори» кодексини самарали амалга ошириш асосий принциплари (1989 й.), Суд мустақиллигини таъминлов-

ри ҳимоясини кўзловчи энг пешқадам қонунлардан бири бўлган, десак муболага бўлмайди. Ушбу қонун ўз вақтида Англияда мансабдор шахслар, шерифлар, турма бошлиқлари орасида авж олган ўзбошимчаликларни чеклаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилган.

Инглиз парламенти томонидан қабул қилинган ушбу тарихий қонун ўз даври ва ундан кейин ҳам инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқининг кафолати сифатида жаҳон мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Хабеас корпус ҳуқуқи тезкорлик билан англо-саксон ҳуқуқ тизимида кирувчи мамлакатлар ҳамда Латин Америкаси давлатлари қонунларида ўз аксини топган ва бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари

чи асосий принциплар (1985 й.) ва Суд органларининг мустақиллигини таъминлаб берувчи асосий принципларини самарали амалга ошириш (1990 й.) ҳақидаги ҳужжатлар алоҳида ўрин эгаллаган.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислоҳотларнинг бугунги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашшдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустаҳкам кафолатларини барпо этишга эътибор қаратилаётган бир шароитда бу борадаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан оқилон фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.


Баҳодир ИСМОИЛОВ,  
Нодир МУХТОРОВ.



да шахс эркинлиги кафолатининг заифлиги яққол намоён бўлади.

Ҳуқуқий кафолатларнинг кучсизлигига жавобан Англия парламентининг қуйи — Умум

ги сабабли қабул қилинмаган. Ва ниҳоят, виглар партиясининг сазой-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, хабеас корпус ҳақидаги қонун 1679 йилда қабул





ТҮЙХАТ ҲУРИДА

**Ички ишлар идораларида иродаси мустаҳкам, касбига меҳр қўйган, зеҳли ва довюрак кишилар хизмат қилди. Ренат Раҳимжонович Саитбоев ана шундай фидойи инсонлардан бири.**

Р. Саитбоев 1931 йил 16 июлда Самарқанд шаҳрида ички оиласида таваллуд топди. 1947 йил 8-синфни битириб, шаҳардаги техникумлардан бирига ўқишга кирди. 1950 йилда уни аъло баҳоларга тугатди. Билимга бўлган чанқоқлик ёш Ренатни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига бошлаб келди. Бироқ институтида узоқ таҳсил кўролмади, уни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Чунки отаси Раҳимжон ака уйда қаттиқ бетоб бўлиб қолган, рўзгор тебратишга эса оилادا Ренатдан эшироқ одам йўқ эди. Ёш Ренат Тошкентдаги Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) тумани халқ судининг 2-участкасида суд мажлиси котиби, кейинроқ суд котиби бўлиб ишлади.

Оилавий шароит ўз ўрнига келгач, Р. Саитбоев 1951 йили Тошкент юридик институтига ўқишга кирди ва уни аъло баҳолар билан тамомлади. Олий маълумотли ёш Ренат республика Ички ишлар вазирлигига йўланма билан ишга юборилди.

Дастлаб Р. Саитбоев вазирлик сиёсий бошқармасида йўриқчи, 1956 йилдан 1959 йил декабригача Ўзбекистон Республикаси ИИБ Кадрлар бошқармаси жиноят содир этган ходимларнинг жиноий ишларини тергов қилиш бўйича махсус инспекция терговчиси, инспекциянинг шахсий таркиб бўйича тезкор вакили, кейинчалик

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Милиция бошқармаси суриштирув бўлими бошлигининг муовини, 1962 йил августдан 1969 йил февралгача қадар Урта Осиё темир йўли қошидаги милиция йўл бўлими бошлигининг муовини лавозимларида фаолият кўрсатди.

1970 йили Р. Саитбоев Қора-

шқармасига бошлиқ этиб тайинланди. У қисқа вақт ичида вилоятдаги криминоген вазият билан яқиндан танишиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва жиноятчиликка қарши кескин кураш очди. Ҳар бир ички ишлар ходими ўз бурчини ҳалол ва виждонан адо этгани боис пойтахт вилояти ИИБ республика ички



жикистон ва Жигаристондаги кўчклар, Чернобилдаги фалокат, вилоятдаги бир қанча туманларни сув босиши каби табиий офат юз берган кезларда ҳам Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ўша жойлардаги қўтқариш ишларида қатнашибгина қолмай, зарар кўрган оилаларнинг мушкулларини оз бўлса-да, енгиллаштириш мақсадида бир кунлик иш ҳақларини хайрия жамғармасига ўтказдилар. Зеро, инсоний-

раҳбар ходимлари уни ўз устози, дея эъзозлайдилар.

Ички ишлар тизимида ярим асрга яқин фаолият кўрсатган Р. Саитбоев 1998 йили истеъфога чиқди.

Ренат Раҳимжонович жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда эришган муваффақиятлари учун республика ҳукумати томонидан бир неча марта медаллар билан мукофотланган.

Ренат Раҳимжонович 2000 йилда республика Божхона қўмитаси институтига катта ўқитувчи лавозимига ишга тақлиф этилди. Р. Саитбоев айна пайтда ўзининг бой ҳаётий ва амалий тажрибасини талаба ёшлари билан баҳам кўроқда.

Р. Саитбоев шунингдек, республика ИИБ Фахрийлар Кенгашининг маърифат, маънавият ва ёшлар тарбияси бўйича комиссия раисидир.

Фурсатдан фойдаланиб Ренат Раҳимжоновични табаррук 75 ёшлари билан мубаракбод этамиз. Оқсоқолга узоқ умр, тетик-бардамлик тилаймиз.

Ҳамиша шогирдлари эъзозидан бўлсинлар.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

# ЭЪЗОЗ

қалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари этиб тайинланди. Республикада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жамоат тартибини сақлашга қўйган муносиб ҳиссаси учун унга «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони берилди.

Шундан сўнг Д. Саитбоев Тошкент олий милиция мактаби тезкор қидирув кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. 1979 йили у ишдан ажралмаган ҳолда юридик фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўқув даргоҳида таълим берган йиллар давомида 46 та илмий асар ёзди. Уларнинг барчаси ички ишлар идоралари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган эди.

Тажрибали олим, амалиётчи Ренат Раҳимжонович 1985 йил пойтахт вилояти ички ишлар бо-

ишлар идоралари ичида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Бу тизимга малакали, ёш кадрлар қабул қилинди, туман, шаҳар ИИБларида хизмат шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ангрен, Олмалиқ, Бектемир, Чиноз, Янгийўл туманлари ички ишлар идораларининг янги, замонавий бинолари қуриб битказилишига бош-қош бўлди. Бундан ташқари, ўн-та ички ишлар идораларида шахсий таркиб малакасини ошириш учун тирлар қурилди. Еттига турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1987 йили хизмат вазифасини адо этиш вақтида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоят ИИБ биноси олдида «Мотамсаро она» ёдгорлиги бунёд этилди.

Арманистондаги зитзила, То-

лик олам зийнатидир.

Тезкор хизмат фаолияти ва жамоат тартибини сақлашнинг зарур чора-тадбирларини ташкил қилишдаги юқори кўрсаткичлари учун Р. Саитбоевга генерал-майор унвони берилди.

1990 йилда Ренат Раҳимжонович яна ўқитувчилик фаолиятига қайтди. У амалиётни яхши биладиган тажрибали раҳбар сифатида ИИБ Академияси кафедрасига, кейинроқ раҳбар кадрлар тайёрлаш факультетига бошчилик қилди.

Ренат Саитбоев ички ишлар идоралари раҳбар ва тезкор ходимларининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирди, уларни ҳалол, қатъиятли, ўзи ва қўл остидагиларга талабчан, хизмат бурчиға содиқлик руҳида тарбиялади. Ҳозирда ички ишлар идораларининг кўп

КУЗАТУВ

# ФАХРИЙЛИККА КУЗАТИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби иштирок этган навбатдаги Маърифат дарсидан сўнг тантанали маросим бўлиб ўтди. Хизмат жонқуярларидан бири, подполковник Тўлқин ака Искандаров обрў-эътибор билан нафақага кузатилди.

Дастлаб Бош бошқарма бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев сўз олар экан, Тўлқин Искандаровнинг ҳаёт йўли ва хизмат фаолияти ҳақида тўхтади. Таъкидлаш жоизки, Тошкент туманида туғилиб, воёга етган Тўлқин ака туманда-

ги қатор идораларда турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ички ишлар идораларидаги дастлабки фаолиятини 1982 йилда Тошкент вилояти ИИБ ШТБИХда бошлади, кейинчалик тезкор хизматларда меҳнат қилди. 1997 йилдан ҳозирги кунгача эса республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Кинология хизмати бош инспектори лавозимида хизмат қилиб келди.

Тадбир чоғида Бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Р. Ашурматов соҳа фидойисининг республика кинология хизматини ривожлантиришга

қўйган ҳиссаси ҳақида гапирди. Тўлқин Искандаров ташкилотчилиги, янгиликка интилувчанлиги, белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашиши туфайли кўп ишларни қилишга улгурганини айтиб ўтди. Айниқса, Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги кинология мажмуаси, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ИИБлари ППХ ва ЖТСББ хизмат итлари питомниклари қурилишида жонбозлик кўрсатганини алоҳида таъкидлади. Бош бошқарма Кинология хизмати бошлиғи, майор Нурали

Ҳасанов хизмат сирларини ўзига сабоғ билан ўргатиб, устозлик қилган Тўлқин Искандаровга миқнатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг Тўлқин Искандаровга тўн кийгазилиб, эсдалик совғаси топширилди. У сўз олар экан, камтарона меҳнати шу даражада улугланганидан мамнун эканлиги, келгусида нафақада бўлишига қарамай соҳани ривожлантириш, ёшларга тажрибасини ўргатиб бориш учун бор куч ва маҳоратини аямасликка сўз берди.

Саъдулла ШОДИЕВ.  
Суратда: маросимдан лаҳза.



**Тошкент вилояти ИИБда ўтказилган Маърифат дарси ҳар галгидан ўзгача бўлди.**

Кўп йиллар вилоят ички ишлар идораларида турли лавозимларда хизмат қилган турт нафар ходим нафақага кузатилди. Полковниклар А. Ҳамидуллаев, Ш. Тешабеков, В. Осанов ва Т. Рихсиевларга бошқарма бошлиғи, полковник М. Одилов эсдалик совғалари топширди.

Тадбирда сўзга чиққанлар нафақага кузатилаётганларни қизгин табриқлаб, уларнинг кўп йиллик тажрибалари бир мактаб эканлиги ва шарафли йўлларини ҳамкасблари давом эттиришини таъкидладилар. Фахрийларга ўзбекона удумга биноан тўн кийдирилди.

Нафақага кузатилаётган вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи, полковник А. Ҳамидуллаев сўз олиб, кексалар қалби ўқилмаган китоб эканлиги ва кўп йиллик хизматлари муносиб қадр топганини таъкидлади. Ёшларнинг машаққатли ва шарафли хизматида омад тилади.

Шерали АНВАРОВ,  
капитан.  
Суратда: А. Ҳамидуллаев







*Оғу истеъмол қилган одам шайтон васвасасига учган кимсага ўхшайди. Ҳар қанча уринмасин қора ажсал уни домига тортаверади. Хуршид ҳам ногаҳон ана шу балога йўлиқди. У гиёҳвандлик моддаси — гашишдан бир марта истеъмол қилди-ю, унга «мехр» қўйди. Ҳар ўн-ўн беш кунда қорадорининг хумори тутиб, беихтиёр ўша манзил томон кеттаверади деган бўлди. Йигит яхшилаб ўйлаб қараса, аҳвол чатоқ. Бу йўлдан тезроқ қайтмаса охири вой бўлиши аниқ. Шу боис,*

*у аввал ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, воқеани рўй-рост баён этди. Уни бу йўлга ундаган ва қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситалари билан олди-сотди қилаётган Озода Шерматовга нисбатан қонуний чора кўришларини сўради.*

*Ўша куниёқ ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тadbир ишлаб чиқилди. Кеч соат 18.00 ларда Озода Шерматова рейдда доимий мижози Хуршид Маҳкамовга 8 дона елим халтага қадоқланган гашишни пуллаётган пайтда қўлга олинди. Озода Наманган вилояти Учқўрғон шаҳрида истиқомат қиларди. Турмушга чиқиб, эри билан ҳеч қанча яшамай ажрашди. «Чиққан қиз чигириқдан ташқари» деганларидек, ота уйига қайтиб келгач, бу ерда ўзини ортиқчадек сеза бошлади. Бунинг устига ҳеч қаерда ишласдан уйда ўтиравериши оиласидагиларга малол келатгандек туюлди. Ишлаб пул топмаса бўлмаслигини тушуниб,*

на бошлашди. Бу орада Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзесидан ижарага бошпана ҳам топишди. Озода бозорда анча танишлар орттирди. Хуршид ана шундай танишларидан бири эди.

Судда аёлдан бунча кўп миқдордаги оғу қўлингизга қандай тушиб қолди, деб сўралганда у савдо қилаётган растасининг олдида

да содир бўлганини кўрсатди. Чунки гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланидиган шахс уни сумкасига солиб олиб, бозорда кўтариб юриши ёки ёдидан чиқариб бирон жойда қолдириб кетиши мантиққа зид ҳолат. Бунинг устига аёлда оғу савдоси билан шуғулланиш нияти бўлмаганда халтани очиб кўрган заҳоти ички ишлар ходимларига мурожаат қилган бўлар эди. Аслида у кўп миқдордаги гашишни номаълум шахсдан улгуржи сотиб олган.

Дастлаб Озода арзон нархда гиёҳвандлик моддаси сотиб олишни укасининг таниши Хуршид Маҳкамовга таклиф қилди. Йигитни ижара уйига чақириб, вазни 1,76 грамм келадиган гашишни 7000 сўмга пуллади. Хуршид билан бу ҳолат бир-икки ойлар атрофида уч марта такрорланди. Озоданинг яна бир мижози. Мирсаид исмли йигитга ҳам 1,76 граммдан уч марта гиёҳвандлик моддасини сотди.

Қинғир ишнинг қийиғи эса тезда маълум бўлиб қолди. Судда Озоданинг барча қилмишлари исботланди. Шайтон васвасасига учиб қинғир йўлга кириб қолган, бунга бошқаларни ҳам чорламоқчи бўлган аёлга тегишли жазо белгиланди. Суд Озода Шерматовани олти йилга озодликдан маҳрум қилди.

**Анвар УСМОНОВ,**  
*жиноят ишлари бўйича Собира Раҳимов туман суди раиси.*  
**Нигора ТҮХТАМАТОВА.**

## ХАЛТА ИЧИДАГИ «КИШАН»

кимнингдир халтаси қолиб кетганини айтди. Уни олиб, ичини очиб кўрса, гиёҳвандлик моддасига кўзи тушибди, ҳеч кимга билдирмай уйига олиб бориб, яшириб қўйган эмиш. Кейин эса уни сотиб, кун кўрмоқчи бўлибди.

Тергов жараёнлари эса воқеа бошқача тарз-



Дилноза қўл-оёғи қонга беланганча уй ўртасида ўтирибди. Кўзи деворда қийшайиб осилиб қолган никоҳ суратида, Ҳиссиз, нурсиз ва маъносиз. Бир йил бўлибди шу суратга. Бор-йўғи бир йил. Қанақанги орзу-ҳавас билан бегона уй остонасидан ҳатлаганди. Тўйида таниқли ҳофиз куйлаган қўшиқ эсига тушди.

*Ишқ боғида сайр қилиб,  
Ойга нарвон қўёлган,  
Ёрим бугун айрилиб,  
Ўзга ёрга йўл олган.*

*Менинг гўзал қалбим-а,  
Хиёнатдан тилинди.  
Кимга айтай дardим-а.  
Онам ўрни билинди...*

Шу бир йил ичида бир оз ғариблашган бўлса-да, табиат ато этган гўзал юзидан шашқатор ёш саноқсиз из қолдириб оқиб тушар, гўзал юз соҳибаси эса ҳамон ҳайкалдек қотиб турар, ҳатто киприклари ҳам қилт этмасди...

Дилшод ҳам Дилнозага ўхшаган кўримли. Иши ёмон эмас. Машинаси бор. Фақат Дилноза эрининг чекишини билмас экан. Тўғри, сигарет чекишини биларди, лекин нашага ўрганганидан беҳабар

қолибди. Бир йил ичида насадан уколга ўтишга ҳам улгурибди. Муҳаббатнинг кўзи кўр, деганларидек, хуш кунлар билан андармон бўлган Дилноза эридаги ўзгаришларга аҳамият бермабди. Аввалига яп-янги костюми йўқолганда, эри «химчистка»га берганлигини айтди. Ишонди. Кейинроқ машина изсиз кетди. «Уриб олдим. Ҳеч кимга айтма, ҳозир ремонтда», деди.

Ишонди. Никоҳ узугини ҳам «йўқотдим» деганидагина кўнглига гумон ўрмалади. Ростакамига хафа бўлди. Бунга жавобан эрининг бақириб бергани эса уни биринчи бор қарахт аҳволга солди. Сўраб-суриштириб, Дилшоднинг гиёҳвандга айланганини билган куни ўзини кўярга жой тополмади. Аввалига йиғлаб-сиқтади, ялинди, оёғига бош урди. Дилшод ҳам йиғлади, бошқа бундай қилмасликка сўз берди.

— Бўлди, — деди Дилноза.

— Гапларингизга ишондим. Майли, боринг, ишингизга кеч қолманг.

— Энди ишим йўқ...  
— Нима?  
— Ке, қўй, Дилноз, бошқа жойдан иш топарман...

Эртасига эрталаб Дилноза чўчиб уйғонди. Не кўз билан кўрсинки, эри пардоз-андоз жа-

сонияда тугаб битган турмуш. Тугаб битдимиз? Йўқ! У курашади. Яхши кўрган бир инсонни ботқоққа ботириб, чўкаётганини кўра-била туриб кетадими? Курашиш керак!

Бир куни «дори» таъсирида чўзилиб қолган эрига «тез ёрдам» чақирди-да, тегишли шифохонага олиб кетди. Шифокорлардан турмуш ўртоғини соғлом ҳаётга қайтариб беришларини илтимос қила-қила ортига қайтди. Эрини сўраганларга хорижга ишлагани кетди, дея жавоб қилди. Ҳақиқатни фақат эрининг собиқ ишхонасидаги саноқли кишилар билди, холос.

...Камтаргина дастурхон атрофида ўн чоғли одам ўтирибди. Дилноз қўли-қўлига тегмай овқат ташийди. Дилшод содиқ дўстлари — ҳамкасбларига раҳмат назари билан бир-бир қараб чиқди. Қадаҳларга вино қуйилгач, қўлига шарбат қуйилган фужерни олди:

— Дўстлар... раҳмат. Бошимдан ўтказган оғир кунларимни енгиб ўтишимда сизлардан кўп умид қилдим, кўп ёрдам

кўрдим. Турмуш ўртоғим... боши омон бўлсин...

Қадаҳлар жаранглади. Дўстлардан бири Дилшодга костюм-шим совға қилди.

— Ҳали машинали ҳам бўласан, оғайни, фақат ўзинга хушёр бўлгин.

— Қўйинглар бу гапларни, — деди меҳмонлар. — Яхши-си, кеннойи, бизга никоҳ тўйингиз ёзилган кассетани қўйиб беринг. Бир яйраб кўрайлик.

Дилноз чаққонлик билан телевизорни қўйди. Таниқли хонанда ҳамон куйлаётди.

*Қодир эгам, пойингдаман,  
Кечиргучи жойингдаман,  
Ўзинг қурган лойингдаман,  
Гуноҳқорман, ҳидоят қил,  
Кечиргил, бир июят қил,*

*Уйим деган, жойим деган,  
Саждагоҳим, бойим деган,  
Менинг учун кўп гам еган,  
Рафиқамни ҳимоят қил,  
Кечиргил, бир июят қил.*

*Юраккинам нимта-нимта,  
Ҳар нимтада полам минта,  
Қодир эгам, ўзинг — битта!  
Майли, яна синоат қил,  
Фақат кечир, июят қил...*

Эркин САТТОРОВ.



ЁЛНОМА

# ҚАТЪИЯТЛИ РАЎБАР, АЖОЙИБ УСТОЗ ЭДИ

Норбўта Абдурасулов ички ишлар соҳасида ишлайман, деб ният қилганида ҳали мактаб ўқувчиси эди. У ўрта мактабни тугаллаб, ҳарбий хизматга борганида, сўнг Тошкент автомобиль йўллари институтида ўқиб юрган кезлари ҳам бу ниятидан қайтмади. Ниҳоят, 1991 йилда унинг орзуси ушaldi. Шу йилнинг эрта баҳорида Норбўта Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги кўриқлаш бўлимига хизматга қабул қилинди.

Ички ишлар ходимининг ҳаёти доимо серташвиш кечади. Ахир эл-юрт, Ватан тинчлиги, осойишталиги учун бамайлихотир яшаб бўладими? Ёш, интилувчан ва тиришқоқ йигит бундай машаққатлардан чўчимади. Ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилди. У қисқа вақт ичида раҳбарият эътиборини қозонди. Фаолиятини оддий инспекторликдан бошлаган йигит кейинчалик бўлим бошлигининг ўринбосари бўлди. 2004 йилнинг февраль ойида эса Норбўта Абдурасулов Янгиер шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимига бошлиғи лавозимига тайинланди.

Раҳбарлик анча масъулиятли вазифа. Бунинг учун кишида катта ҳаётий тажриба, касбий маҳорат, чуқур билим ва юксак салоҳият бўлиши керак. Норбўта Абдурасуловда бу сифатларнинг барчаси намён эди. Ички ишлар тизимидаги кўп йиллик тажрибаси, ходимлар билан ишлаш услуби фаолиятида унга қўл келди.

**Ички ишлар идораларида хизмат қилишнинг масъулияти катта. Бу вазифага чоғланган одам аввало соғлом, жисмонан етук, қалбан пок ва албатта, зийрак бўлмоғи лозим. Шундагина у хизмати Ватан учун, халқ учун қанчалик аҳамиятли эканлигини англай олади.**

Норбўта Абдурасуловнинг яхши бир хислати бор эди. У қўл остидаги ҳар бир ходим билан самимий муомалада бўларди. Улар билан учрашганда ўзини бошлиқ эмас, оддий ҳамкасбдек тутишга ҳаракат қиларди. Унинг ёш ходимларга қарата айтган мана бу сўзларини кўпчилик ҳамон эслаб юради: «Кечаси осмонга боқсанг ярқирок юлдузни кўрасан. Билиб қўй, ана шу юлдуз сенинг елкангда ҳам бор. Уни ҳаммага ҳам беравермайди. Буни тушун ва қадрла!»

Ҳаётда биз учун майда-чуйда бўлиб туюладиган баъзи воқеалар аслида катта ижтимоий аҳамиятга эга. Айтайлик, майда ташмачилик. Бунга баъзан эътиборсиз бўламиз. Бугун кичик бир нарсани ўғирлаган одам эртага каттароғини, кейин эса ундан каттасини ўмармайди, деб ким қафолат беради? Бора-бора бундай майда ташмачиликлар катта жиноятларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис кўриқлаш хизматида бу нарсага жиддий қаралади. Норбўта Усмонович хизмат давомида майда ташмачилик ҳолатлари кўп содир этилаётган объектларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайта-қайта уқтирар эди.

2003 йилнинг август ойи бошлари эди, ўшанда подполковник Норбўта Абдурасулов хизмат юзасидан Боёв туманидан ўтган темир йўл худудида жойлашган иккиламчи қора металл қорхонасига бораётганида бир номаълум шахс велосипедга бир қоп минерал ўғитни ортиб кетаётганини кўриб қолади.

У минерал ўғитни Боёв туманларо минерал ўғитлар базасидан яширин равишда олиб чиқиб кетаётгани маълум бўлади. Ташмачи ушланиб, бу ишга йўл очиб берган айбдорлар тегишли жазо олишади. Шундан сўнг туманларо минерал ўғитлар базаларини туман ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлимига ходимлари кўриқлаши йўлга қўйилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриқлаш бўлимига моддий техника базасини мустақамлаш, уларни кўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситалари билан таъминлаш борасида унинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик. Ҳозирги кунда вилоят кўриқлаш бўлимига тасарруфида 20 дан зиёд автотранспорт воситалари мавжуд бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғи бевосита Н. Абдурасуловнинг ташаббуси билан олиб келинган ва хизматга жалб қилинган.

Инсон ҳаётда ўз ишлари билан яхши ном қолдиради. Норбўта Усмонович қирқ йилдан зиёдроқ умр кўрди, холос. Аммо, шу қисқа умри давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар бугун устозлари номини улуғлаб, эзгу ишларини давом эттириб келишяпти.

**Умрзоқ ҒАФҒОРОВ,**  
катта сержант.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ ЎЙҒУНЛАШУВИ


**Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири кадрлар масаласидир. Давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаганларидек, «олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охиروқибат кадрларга бориб тақалаверади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ички ишлар тизимидаги ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини белгилаб берди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ички ишлар идоралари тизимлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳолати 2006 йил

15 мартда Республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тингловчиларининг малакавий амалиёти тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Унга кўра кундузги таълим 1, 2, 3-курс тингловчилари учун жойлардаги ҳудудий ички ишлар идораларида танишув ўқув

амалиёти ташкил этилди. Бу албатта маълум маънода тингловчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, назария билан амалиётнинг ўйғунлашувида муҳим жараён ҳисобланади.

Ҳар бир ўқув курси учун танишув ўқув амалиётини ўташ дастури ишлаб чиқилган. Унда тингловчиларнинг уч ҳафта мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалари белгилаб берилган. 1-курс тингловчилари ички ишлар идораларининг навбатчилик қисми, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўлишади. 2-курс тингловчилари амалиёт даврида тергов, жиноят-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш, эксперт-криминалистика соҳалари билан танишади. 3-курс тингловчилари эса, аниқ мутахассислик йўналишлари бўйича танишув амалиётини ўташади. Шунингдек, ҳар бир тингловчи дастурда назарда тутилган тадбирларнинг



бажарилиши юзасидан амалиёт якунида ҳисобот тайёрлайди. Тингловчиларга Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари бошлиқларининг буйруқлари билан тажрибали ходимлардан амалиёт мураббийлари бириктирилади.

Жойларда танишув ўқув амалиёти якуни бўйича учрашувлар ташкил этилиб, ўқишда, интизомда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг миннатдорчилиги билдирилди. Шу билан бирга айрим ўзлаштириши паст, ўрнатилган интизомга риоя қилмайдиган тингловчиларнинг ота-оналарига

фарзандлари тарбиясида масъулиятини ошириш тўғрисида маълум қилинди. Бу эса, мазкур тадбирнинг самарали ташкил этилишида ота-оналарни ҳам жалб этиш имконини берди.

Ўйлаймизки, жойлардаги ички ишлар ходимлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган ички ишлар тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида ўзларининг бой амалий, ҳаётий тажриба ва билимларини ёшларга улашиб, бу жараёнда фаол иштирок этадилар.

**А. ҲАМДАМОВ,**  
полковник.

**Н. ИСМОИЛОВ,**  
майор.

Суратларда: тингловчиларнинг малакавий амалиётдан лавҳалар.





# ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ ХИЗМАТ

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Фурқат Абдуллабековнинг хузурида миз.

— Бизда ўз касбига меҳр қўйган ходимлар кўпчиликини ташкил этади, — деди у. — Хусусан, Умид маҳалласи профилактика инспекторлари халқ билан бирга бўлиб, профилактик ишларни яхши олиб боришга тўғри натижаларни қўлга киритишяпти.

Раҳбарнинг сўзларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида ушбу маҳаллага ташриф буюрдик. Милиция таянч пунктида маҳалла посбонлари сардори Саъдулла Ражабов меъерий ҳужжатларни кўздан кечириётган экан. У билан маҳалла посбонлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашганимизда хонага бир аёл ўғлини етаклаб кириб келди.

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИГА КИРИШИ ВА УНИ ОҚЛАМОҒИ КЕРАК

— Кеча маҳалладаги чойхонада низо чиқиб, умр йўлдошимни роса дўппослашибди, — деди у кўзларига ёш олиб. — Безориларга нисбатан чора кўрсангиз, деб илтимос қилиб келдим.

Сардор нариги хонада ўтирган, профилактика инспекторларига ёрдамчи куч сифатида бириктирилган Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 1-батальони 4-отряди ходимлари, сержант Ж. Турсунов, сафдорлар О. Тошпўлатов ва А. Анваровга вазиятни тушунтирди. Улар манзилни билиб олиб, хонадан чиқиб кетишди.

Бу воқеани кузатар экансиз, маҳалла осойишталигини таъминлашни ўз бурчи деб билиб, уни адо этиш йўлида куну тун тиним билмаётган инсонларга қойил қолмай иложингиз йўқ. Эҳтимол бевоқифа уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бугун Умид маҳалласи тумандаги обод ва фаровон гўшалардан бирига айлангандир.

Маҳаллада жами 38 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, ҳар бирига биттадан уйбоши тайинланган. Улар уйлар ва атроф-муҳит тозаллигини сақлаш билан бир қаторда маҳалла посбонлари

билан ҳудудда шубҳали одамлар пайдо бўлса уларга кўз-қулоқ бўлишди. Маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар билан гаплашганимизда улар профилактика катта инспектори, майор Б. Байқулов, профилактика инспекторлари, катта лейтенант Х. Розиков, кичик лейтенант И. Якубов, посбонлар сардори С. Ражабовлардан миннатдор эканликларини айтишди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, рақамлар ҳам шундан далолат бериб турибди. Посбонларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида жиноятлар тобора камайиб бораёпти. Агар ўтган йили бит-

тадан қотиллик ва босқинчилик, тўққизта ўғирлик содир бўлган бўлса, 2006 йилнинг шу давригача иккита ўғирлик қайд этилди, холос.

Мазкур масканда муқаддам судланган фуқароларнинг хонадонидан хабар олиш, иш билан таъминланишларига эришилмоқда.

— Фаоллар билан профилактика инспектори бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай муаммо тинч йўл билан ҳал бўлади, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Д. Йўлдошева. — Маҳалладошларимиз бизга ишонишади, шу боис, дардларини айти-

шади. Ҳар бир инсон адашиши, хато қилиши мумкин. Асосий вазифамиз ундан юз ўгириш эмас, балки тарбиялаш, иккинчи бор адашишдан сақлашдир.

Маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Милиция таянч пунктининг ёнида жойлашган «Умид» спорт мажмуасида теннис, футбол, волейбол майдончалари, сув ҳавзаси мавжуд. Бичиш-тикиш ва рақс тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда. «Умид» футбол жамоаси муносиб ютуқларга эришяпти. Булар болаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтишини таъминламоқда.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, ана шундай фидойи инсонлар бор экан, жойларда тинчлик ва осойишталик доим ҳукм сураверади.

Умид МИРЗАБЕКОВА.

## САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ


«Урганч — Тошкент» йўналиши бўйича келаётган поезд манзил сари илдамлайди, йўловчилар хотиржам. Кутилмаганда вагонлардан бирида қарсиллаган овоз эшитилди. Шу заҳоти ойнанинг синган парчалари атрофга сочилиб кетди. Яхшики, ҳеч ким жароҳат олмади. Кимдир ташқаридан тош отиб ойнани синдирган эди. Зудлик билан берилган хабар юзасидан Тошкент шоҳ бекати тармоқ ИИБ ҲООБ ва ВЕОҲООБ ходимлари ишга киришди. Ўзбекистон бекати тармоқ ИИБ вояга етмаганлар орасида

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, капитан У. Ускенбоев томонидан олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ҳуқуқбузар аниқланди. У Янгийўл шаҳрида яшовчи, 17 ёшли Артём бўлиб чиқди.

Ўқувчиларнинг таътил кунларида шунга ўхшаш воқеалар кам бўлса-да, учраб турибди. Наҳотки, бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этаётган болалар ўзларининг бир-икки дақиқалик «завқи» орқали давлатга катта миқдорда зарар етказишлари, бундан ташқари, вагондаги

туманидаги 5,10,42, Зангиота туманидаги 43-мактабларда ана шундай тadbирлар ташкил этилди. Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалласи фаоллари ҳамкорлигида

Тарғибот-ташвиқот ишлари йил бўйи давом этади. Ўқувчиларнинг ҳозирги таътил даврида ҳам бу вазифа асло сусаяётгани йўқ. Темир йўл атрофидаги маҳаллаларда яшов-



йўловчиларни жароҳатлашлари мумкинлигини англашмасан? Ахир бу зарар уларнинг ота-оналари томонидан қопланади-ку! Шу сабабли Тошкент бекати тармоқ ИИБ ҲООБ ва ВЕОҲООБ ходимлари темир йўл яқинидаги маҳаллалар, мактабларда бўлиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида профилактик ишларни олиб боришмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 319, Ҳамза туманидаги 69, Тошкент вилояти Янгийўл

эса мулоқот уюштирилди. Бундан ташқари, ҳуқуқтартибот посбонлари темир йўл атрофида жойлашган 830 дан ортиқ хонадон эгаларининг яшаш шароити билан танишиб, керакли йўриқномалар бердилар. Натижада ўтган йилнинг олти ойи давомида вагон ойналарини синдириш бўйича 24 та ҳолат кузатилган бўлса, 2006 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 7 тани ташкил этди. Кўриниб турибдики, профилактик ишлар самарали олиб борилаётгани ижобий натижа бермоқда.

чи болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли спорт тўғрақларига жалб этиш, шу орқали мароқли дам олишларига имконият яратиб бериш диққат марказида. Бу борада вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторларининг хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ. Ана шундай фидойи посбонларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида эл-юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муносиб ютуқлар қўлга киритилаёпти.

Сеvara СОДИКОВА.



# ҚИССАМАТ

*Жиноий иш юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар орасидаги бир хат диққатимни тортди. Унда «Менга нисбатан уюштирган тухматларингиз учун иккита болангизнинг уволи тутади, Сиз билан Бибигул шундай қилишимга мажбур эдингизлар» деб ёзилганди.*

... Юнусобод тумани ИИБ ходимлари канал бўйидан икки ёшли қизча, тўрт яшар ўғил бола ва бир аёлнинг жасадини топадилар. Аёлнинг ўйидан юқоридаги сўзлар ёзилган бир варақ қороз чиқади.

Хат мазмунига қараганда у аёлнинг эрига ёзилганди. Ёшгина жувонни қайси номерд икки ёш боласи билан ўлдирди экан, дея суриштирув ишларини олиб бордик. Экспертлар бола-

лар сувга чўктирилгани, аёл ўз жонига қасд қилганини аниқлаб беришди.

Яна хатга мурожаат қиламиз. Унда «Сиз билан Бибигул мени шундай қилишга мажбур эдингизлар» деган сўзлар бор. Демак, аёл ўз жонига қасд қилган, икки норасида фарзанди-чи?

... Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги яхши бир оилада туғилиб ўсган Мастура ҳамқишлоғи Бекмурод билан турмуш қурди. Бекмуроднинг иши юришмай бекор қолганини эшитган Мастуранинг отаси уларга Тошкентга боришини маслаҳат берди. Бу ерда уларни укаси, яъни Мастуранинг амакиси ба-

рига олди, Бекмуродга иш топиб берди. Уч-тўрт ойдан сўнг хонадонга Бекмуроднинг опаси Бибигул келди.

Жиянининг ҳурматини қилиб амаки унга ҳам жой берди. Бироқ, Бибигул азалдан Мастурага ғайирлиги келиб юрди. Унинг устига топганини ичадиган одат чиқарганди эри билан кунда жанжаллашарди. Уларни тинчлантиришга уринган Мастурани ҳақоратлаб, қарғашдан тоймасди.

Тинчгина уйи ғалвахонага айланган хонадон соҳиби Бибигулни, унга қўшиб жиянини ҳам уйдан ҳайдади.

Мастура бир амаллаб бир хонали уй топди. Бибигул ҳам шундай қилди. Ана шундан кейин келинига нисбатан хусуматини очиқчасига намоён қила бошлади. Укаси Бекмуродни ҳафталаб, ойлаб уйига юбормади, ойлигини ҳам бердирмади.

— Хотининг бузуқ, — деди бир кун унга.

— Унақа деманг, болаларимни ювиб-тараб ўтирибди-ку, — деди Бекмурод.

— Сен нимани билардинг. У яшшамагур поччангга кўзини сузибди.

Бу гапдан Бекмуроднинг жон-пони чиқиб кетди.

— Ишонмасанг бугун кўнгироқ қилади, — деди Бибигул.

Бекмуроднинг ойлигини қуртдай санаб олган Бибигул стол тузади, дастурхонга қимматбаҳо ичим-

ликлар қўйди. Маишат авжига чиққанда телефон жиринглади. Бибигул гўшакни Бекмуродга берди.

— Почча, бугун келасизми? — деган овоз эшитилди ундан.

Бекмурод кайфда хотинининг овозини танимади, лекин аёл киши гапирётганини эшитиб гўшакни улоқтириб, уйдан отилиб чиқди.

Режаси амалга ошаётганидан хурсанд бўлган Бибигул укасига қўшилиб Мастуранинг олдида борди.

Бу пайтда Мастура овқат қилишга ҳеч вақо топа олмай, болалари билан совуқ сув ичиб, нон еб ўтиришарди.

Эшикдан кириб келган Бекмурод сўрамай-суриштирмай Мастурани дўппослаб, тепкилади.

— Ҳали поччангга кўз сузаяпсанми, бузуқ!

Мастура ҳолдан тойди. Болалари чирқираганча тепасида йиғлашарди. Бибигул, ажаб қилдим, дея ичидан қувониб укасини уйига олиб кетди.

Кўшни аёл чиққанида Мастуранинг юз-кўзлари кўқарган, инграб ётарди.

— Қизим, кўйлагингизни амаллаб сотдим, нон, сариеғ, гуруч олиб келдим, — деди Розия опа. — Отанонгизга хабар беринг. Тоқайгача шунақа эзилиб яшайсиз.

Бунақа кунлар Мастуранинг бошида кўп бўлди. Бибигул доим келинини ёмонлаши, тухмат қилиши боис Бекмурод оиласидан совуди.

Мастура қишлоғига кетгиси келар, лекин қайтиб келибди, деган гапдан номус қиларди. Ота-онасига



ҳам билдирмасди. Бир кун келиб Бекмуродга ҳам инсоф кириб, оиласига қайтишига умид қиларди. Лекин Бекмуроднинг қадами тобора узилиб борди. Охири олти ойда болалари учун бир сўм ҳам бермади.

Сўроқ пайтида Бекмуроднинг поччаси, яъни Бибигулнинг эри Мастура билан учрашмаганини айтиб, бу хотинининг найранги эди, дея кўрсатма берди. Кўнгироқ қилган аёл эса, Бибигулдан бу хизмати учун пул олганини ёзиб берди.

Мастуранинг отаси кизининг қийналаётганини билиб, икки хонали уй олиб берди. Бибигул укаси Бекмуродни қайнотанг олиб берган уйда сизинди бўлиб яшама, хотининг бошингга чиқиб олади, деб уйга бордирмади. Нияти Мастурани қийнаш, азоблаш эди. Муттасил камситилиб, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобда қолган Мастура аввал икки боласини сувда чўқтирди, кейин ўз жонига қасд қилди.

Бибигул терговда ўзини оппоқ қилиб кўрсатиш учун роса баҳона излади,

ёлғон гапларни тўқиди, келини Мастура билан яхши муносабатда эдим, дея ишонтиришга уринди. Лекин далиллар олдида иложсиз қолди.

Шу ўринда Бекмуроднинг эркаклик ғурури ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмасак бўлмайди. Мастурани муттасил азоблаб, таҳқирлаб нимага эришди? Хотинини икки фарзанди билан оч-наҳор қолдириб, касал бўлса ҳам хабар олмай, ойлигини бермай, лоақал иккита иссиқ нон кўтариб боришга ҳам ярамай, қайси мартабага эришди? Мастурани ёмон кўраркан, ўз пушти камаридан бўлган болалари-чи, уларда нима гуноҳ. Иш жойининг тайини йўқ, маиший бузуқ Бибигул ниятимга етдим келиндан қутулдим, деб ўйлаши мумкин. Аммо у қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Завол кетган умрлар учун эса яна савол-жавоб бўлади, албатта.

**Худойкул ТУРДИБОВ,**  
Тошкент шаҳар  
Юнусобод тумани прокурори.



*Одатда аёллар ҳақида ёзиш қийин кечади. Айниқса, хиёнат кўчасига кириб, шунинг ортидан «даромад» топаётганларнинг қилмишларини қаламга олаётганда қалбинг зир титраётгандек, қўлингдаги қалам эса қуяётгандек бўлаверади.*

Дунёда аёл учун энг оғир исноб бу маиший бузуқликдир. У хато иш қилса кечирилади, уй-рўзгор ишларини кўнгилдагидек бажара олмаса, аста-секин ўрганиб кетишидан умидвор бўлинади. Аммо турмуш ўртоғига хиёнат қилса, шаънига бир доғ бўлиб ўрнашадик, бу доғ унинг етти авлодигача миш-мишлар орқали ўтиб бораверади.

Андижон туманида яшовчи Салима Тўраева ҳамда Шодия Ғуломовалар (исм-шарифлари ўзгартириб берилмоқда) яхши бир хонадоннинг бекалари эди. Уларнинг ҳусну жамолини, қади-қоматини кўрган ҳар қандай эркак ўз жуфти ҳалолни шундай бўлишини орзу қиларди. Лекин Салима билан Шодия бундай эъозга муносиб ҳаёт кечирмадилар. Улар мўмай пул топишнинг жирканч йўли — хиёнат кўчасига кириб қолишган эди. Бу ҳам етмаганидек танфу-

рушликдан топган пулларига қаноат қилмай, жазманларини турли йўллар билан талаб келганлар.

Аслида қайнопа-келин бўлган Салима билан Шодия шунчалик тубанликка боришардики, ўзлари билан «яқинлик» қилганларни «эсдалик учун», дея суратга тушириб, кейинчалик суратни ўзларига кўрсатиб, «шу билан оила аъзоларинг олдида шарманда қиламиз», дея кўрқитиб, улардан катта миқдорда пул талаб қилишарди.

Халқимизда, «Айби борнинг тиззаси қаттирар», деган нақл бор. Оиласи, ширин фарзандлари олдида шарманда бўлишдан чўчиган бундай «куёвўралар» ноилож товламачиларнинг шартларига рози бўлишарди. Уларнинг тузоғига илинганлардан бири Андижон шаҳрида яшовчи, Н. Комил бўлди. Ўзларини гўёки сотиладиган уй-

# ТУБАНЛИК

*ёки ич ишқиде турли товламачиликлар қилган келин ва қайнопа қилмишлари ҳақида*

ларга харидор қилиб кўрсатишган қайнопа ва келин Комилнинг дарвозасини ақиллатишди. Аёлларнинг овозидан уйғониб кетган Комил: «Хотиним болаларни олиб отасининг уйига кетган эди. Бемалол кираверинглар. Яхшироқ харидор чиқса, уйни сотамиз», — деб уларни меҳмонхонага бошлади. Шу пайт Салима «сценарий» бўйича «мен кўчалдаги дўкандан уйдагиларга телефон қилиб қўй», дея ҳовлидан чиқиб кетади. «Харидор»нинг ниятидан беҳабар Комил Шодияга барча хоналарни бирма-бир кўрсатиб чиқади. Қайнопаси келавермагани учун Шодия бир оз шу ерда дам олмоқчи эканлигини айтади ва Комилнинг ётоқхонасига кириб кетади. Бир оз вақт ўтгач, Салима келиб Шодияни олиб кетади. Эрталаб дарвозанинг қаттиқ тақиллаганидан чўчиб уйғонган Комил кўчада турган қайнопа-келинни кўриб кўрқиб кетади.

— Кеча келинимни нима қилдинг, ифлос? — Комилнинг юзига чанг солди Салима — Унинг номусига тегибсан-ку?

— Ие, нималар деяпсиз? Мени ким деб ўйлаяпсиз? Ахир, бу тухмат-ку! — зўрга овози чиқди Комилнинг

— Тухмат?! Мана келинимнинг ўзи. У ухлаб қолганда нималар қилганингни ўзи айтиб беради. Бу ҳақда укамга ҳам айтаман. Икки бора қамалган укамни ўзи келганда, кечаги «ишинг» тухматми ёки йўқми — ўзи ҳал қилиб олади. Бундан ташқари турмуш ўртоғинг, қайнопа-қайнотангга ҳам бу қилмишингни етказамиз...

Комил яхшилик билан улардан қутула олмаслигига кўзи етиб, ялинишга тушди. Товламачи қайнопа-келин унга ялинишнинг фойдаси йўқлигини, 100 минг сўм топиб берса ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолишини айтишади. Ноиложликдан кўни-

кўшнилардан, қарз олиб улар айтган 100 минг сўмни топиб берган Комил шу билан ҳам тинчимади. Уч кун ўтгач, Салима яна унинг олдида келиб: «Қилмишларингни укам билиб қолибди, агар яна 100 минг топиб бермасанг, ўша кунги шармандачиликни бошлаймиз», деб дўқ-пўписа қилади. Комил улар айтган пулни топиб бера олмаслигини айтганда, товламачилар унга уч кун муҳлат қўйиб кетишади.

Ноилож қолган Комил ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан тухматчи қайнопа ва келин белгиланган муҳлатда пулни олишаётганда, далилий ашё билан қўлга олиндилар. Товламачиларнинг ушбу қилмишларини кўриб чиққан жиноий ишлар бўйича вилоят суди уларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**





# ROSTDA-TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

24 июль – 30 июль

«Биринчи»  
канал, якшанба  
22.05

Официант қиз Слим бойвачча Митч Хиллерга турмушга чиққанидан боши осмонда эди. Аммо эри ўз ўйлаганидан кўра бутунлай бошқача одам эканлигини англагач орзулари чилпарчин бўлди. Турмуш ўргонинг номақбул хатти-ҳаракатлари Слимни шунчалик кўрkitиб кўядики, у кизини олиб уйдан қочиб кетади...



Ролларда:

Женнифер Лопес,

Билли Кэмпбелл.

## «ТОҚАТИМ ТОҚ БЎЛДИ!» («С МЕНЯ ХВАТИТ!»)

«Биринчи» канал, чоршанба  
0.10 «СЕХР – ЖОДУ» («МАГИЯ»)

Сара Бэйли Лос-Анжелесга келиб, Авлиё Бенедикт мактабига ўқишга киргач, ҳамма учун умумий қоидаларга бўйсунгиси келмайди.



Тез орада у бошқаларга қўшилишни хохламай юрган қизлар билан

танишиб олади. Улар Сарани ўзларининг «махфий жамият»ига қабул қилишади. Ана энди бу ёш жодугарлар сирли дуоибадлар ёрдамида ҳар қандай дилозордан ўч олишлари мумкин...

Ролларда: Файруза Болк, Робин Танни, Нив Кэмпбелл.

ТВ 3, пайшанба  
0.00 «ЁВВОЙИ СЕВГИ» («ДИКАЯ ЛЮБОВЬ»)

Мэт ва Кэйсни бу ёруғ дунёда ҳеч нарса бир-биридан ажрата олмайди. Фақат қизнинг касали бундан истисно. У руҳий касалликка мубтало бўлган, ўз жонига қасд қилгиси келаверади. Охири яна бир уринишдан сўнг ота-онаси қизни руҳий касалликлар шифохонасига ётқишилади.



Мэт севгилисини даволаш муассасасидан олиб қочади. Аммо ошиқмаъшукларнинг ишқий саёҳатлари тез орада хавфли тус олади.

Ролларда: Крис О'Доннелл, Дрю Бэрримор, Жоан Ален.



«Россия», шанба  
2.00 «ЎТМИШ СИРЛАРИ» («ТАЙНЫ ПРОШЛОГО»)

Том Уоршоу мана ўттиз йилдирки, Парижда истиқомат қилади. У илгари бутунлай бошқача одам бўлганини ҳеч ким билмайди. Бугун ўзгача кун-унинг ўғли 13 ёшга тўлади. Ота фарзанди учун ажойиб совға тайёрлайди. У ўғлига ўзи ўн уч ёшга тўлганида Нью-Йорк шаҳрида яшаган кезлари бошидан ўтказган фаройиб воқеани сўзлаб беради.

Ролларда: Робин Уильямс, Дэвид Духовни, Теа Леони



**«Ўзбекистон» телеканал**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45 ТВ анонс.  
8.50 Олтин мерос.  
«Ёз - ўтмоқда соз»:  
8.55 1. «Бойвачча Рич». Болалар учун фильм. 2. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.50 ТВ анонс.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 ТВ анонс.  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Дил таронаси».  
11.25 «Одами эрсанг.»  
11.45 «Окибат». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.  
12.45 ТВ анонс.  
12.50 «Окибат». Спектакль. 2-қисм.  
13.50 Олтин мерос.  
14.00 «Ахборот».  
14.15 ТВ анонс.  
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.  
15.20 «Ватанпарвар».  
«Болалар сайёраси»:  
16.20 1. «Санъат гунчалари». 2. «Эртақлар-- яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 ТВ анонс.  
17.15 Олтин мерос.  
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.  
17.40 «КулдиРИНГ».  
18.10 ТВ анонс.  
18.15 «Умр дафтари». 1-қисм.  
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.  
19.10 «Оҳанглар оғушида».  
19.20 Биржа ва банк хабарлари.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ёллонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.  
21.00 «Ахборот».  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.** «Бир ўлка-ки.»  
22.00 «Чин муҳаббат». Телесериал премьераси.  
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».  
23.40-23.45 Тунги наволар.

**«Ёшлар» телеканал**

15.55 Дастурнинг очилиши.  
16.00 Давр.  
16.10 Анонслар.  
16.15 Болажон.  
16.25 SMS - танлов.  
16.30 «Journal» (инглиз тилида)  
16.45 Ватан ҳақида ўйлар.  
16.50 UzEX хабарлари (рус тилида)  
17.00 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиш этади.  
17.30 Мусиқий лаҳзалар.  
17.40 UzEX хабарлари (инглиз тилида)  
17.50 Анонслар.  
17.55 «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Сериал.  
18.35 Ракурс.  
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.

18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Ишга марҳамат!  
19.40 Оғоҳлик - давр талаби.  
20.00 UzEX хабарлари.  
20.10 CINEMANIYA.  
20.30 Ёшлик наволари.  
20.50 Ёллонлар.  
21.00 «Фурур». Сериал. 26-яқунловчи қисм.  
21.55 Оқшом кўнғироқлари.  
22.00 Давр.  
22.35 Анонслар.  
22.40 «YOSHLAR». ДА ЁЗ ОҚШОМЛАРИ».  
0.10 - 0.15 Эрта бугундан бошланади.

**«Тошкент» телеканал**

18.05 Кўрсатувлар тартиби.  
18.15 «Болажонлар экрани».  
18.30 «Пойтахт». (рус).  
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.  
19.15 2006 йил → Ҳомийлар ва шифокорлар йили: «Саломат бўлинг». (рус).  
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 «Яхши ёмон шигитлар». Телесериал. (рус).  
20.45, 21.25 «Телекуррьер маркет».  
21.00 «Оқшом наволари».  
21.20, 22.05 «ТВ анонс».  
21.40 «ТВ юрист».  
21.45 «Журналист тахлили».  
22.10 «Индаба». Телесериал. (рус).  
22.35-22.40 «Хайрли тун, шаҳрим».

**«Sport» телеканал**

Телетомошабинлар диққатига!  
Профилактика муносабати билан, 24 июль куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.  
«Sport» телерадиоканали.  
18.00 «Болалар спорти».  
18.15 «Спортимиз маликалари».  
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)  
18.55 «Жди меня».  
20.00 «Вести».  
20.20 «Тет-а-тет».  
20.30 «Жизнь прекрасна». Сериал.  
21.30 «Хабарлар» (ўзб тилида)  
21.50 «Футбол шарҳи».  
22.10 Велоспорт. Тур де Франс.  
22.40 Жаҳон футболни кўлдузлари. А. Шевченко.  
23.25 «Проф-РИНГ».  
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

17.00, 19.40, 21.45 Теле-экспромт  
17.30 Мусиқий табассум  
18.00 Мультфильм  
18.20 Мусиқий лаҳзалар  
18.40 «Мозийдан садо»  
19.00 Ошиқона  
20.00 Мусиқий табассум  
21.00 «София, дай мне время», сериал  
21.55 Мусиқий табассум  
22.25 «Бизнинг замондош»  
22.30 «Қашқирлар макони», сериал

**«Первый»**

4.55 «Доброе утро»  
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости  
8.15 «Поле чудес»  
9.15 «Доктор Курпатов»  
9.50 «Жеглов, Шарапов, Говорухин...»  
11.15 «Секреты пани Моники»  
11.55 Триллер «Комната страха»  
14.15 «Генералы городских джунглей». Док.фильм  
15.20 «Детективы»  
15.55 «Пусть говорят»  
17.15 «Криминальная Россия».  
«Люди исчезают в полдень»  
17.50 «Любовь как любовь». Фильм  
18.55 «Жди меня»  
20.00 Время  
20.30 Фильм «Близнецы»  
21.30 Спецрасследование.  
22.30 «На ночь глядя»  
23.20 «Безумие большого города»  
0.20 Триллер «Клад»  
2.00 Время  
2.30 Триллер «Клад»  
2.55 «Коммандос». Док. сериал  
4.05 «Черные невесты Менди». Док. фильм

**«Россия»**

Профилактика  
10:50 Сериал «Мужчины не плачут».  
12:45, 15:40, 18:40, 23:15, 3:45 ВЕСТИ.  
13:40 Фильм «Снайпер»  
16:40 «Обреченная стать звездой». Сериал.  
17:40 Сериал «Волчица».  
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».  
20:15 Сериал «Оперативный псевдоним».  
22:15 «Городок».  
23:35 Сериал «Угон».  
0:35 «Дорожный патруль».  
0:50 Боевик «Улицы в огне»  
2:20 «Закон и порядок»  
3:10 «Евроныюз»

**НТВ**

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
7:10 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ»  
8:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»  
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»  
9:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
10:05 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»  
12:30 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО- 2»  
14:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
15:20 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»  
17:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
18:40 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»  
19:50 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»  
20:50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
21:40 Сериал «КОНТОРА»  
22:45 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»  
23:50 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»  
0:45 Фильм «ДРУГИЕ ИПОСТАСИ»  
2:25 Сериал «ДАЛЬНОБОЙ-

ЩИКИ»  
3:10 «БИЛЬЯРД»  
3:55 Сериал «АЛЬФ- II»  
4:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
ТВ 3  
7.30 Победоносный голос верующего.  
8.00, 14.30 Мультфильмы.  
10.00 Худ. фильм «УМНИК»  
12.15 Худ. фильм «ПОДЗЕМЕЛЬЕ ВЕДЬМ»  
14.00 «Осторожно, модерн!»  
15.00 Худ. фильм «ДЕЖА ВЮ»  
17.00 Худ. фильм «ДАМСКАЯ КОМНАТА»  
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-4»  
20.00 Худ. фильм «ПРИНЦ ЖЕМЧУЖНОГО ОСТРОВА»  
22.00 Худ. фильм «АБСОЛОН»  
0.00 Худ. фильм «ДОБРЫЙ ПАСТЫРЬ»  
2.00 Худ. фильм «ВСПЫШКА»  
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-4»  
4.45 Худ. фильм «ОТРЯД СПЕЦИАЛЬНОГО НАЗНАЧЕНИЯ»

**ДТВ**

7.30, 15.30 Мультфильмы.  
9.05 Смешное видео.  
9.30, 16.30 «Как уходили кумиры»  
9.55 «Неслучайная музыка»  
10.00 Телемагазин.  
10.30 «Карданный вал +».  
10.50 Фильм. «ГАРАЖ».  
13.00 Смешное видео.  
13.30 Сериал «КОМАНДА «А»».  
14.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
17.00 Фильм «ТИХОЕ СЛЕДСТВИЕ».  
18.40 «Осторожно, афера!»  
19.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
20.00 Смешное видео.  
20.55 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ».  
22.00 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».  
23.00 Худ. фильм «УСКОЛЬЗЯЮЩИЙ ВИРУС».  
1.00 «Карданный вал +».  
1.20 Агентство криминальных новостей.  
1.40 Сериал «КОМАНДА «А»».  
2.30 Музыка.

**ТНТ**

4.45 «Москва: инструкция по применению»  
5.10 «ДЕВСТВЕННОЦА». Теле-новелла.  
6.05 «Глобальные новости»  
6.10, 11.05 «Никеллодеоны»  
7.25 Предприниматель.  
7.40 Наши песни.  
8.00 «ДЖО ПРОТИВ ВУЛКАНА» Мелодрама.  
10.00 «Антология юмора»  
12.30 Такси.  
13.00 Деньги на проводе.  
13.30 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ» Детектив.  
14.00, 0.10 ОФИС.  
15.00, 20.00, 22.50 «Дом-2»  
16.00 «Школа ремонта»  
17.00 «Возможности пластической хирургии»  
18.00 Такси.  
18.30 Москва: инструкция по применению.  
19.00 «Няня спешит на помощь».  
21.00 Комедия «КОСМИЧЕСКИЙ ДОЗОР: ЭПИЗОД 1»  
23.20 Москва: инструкция по применению.  
23.50 Наши песни.  
1.10 «ДЖО ПРОТИВ ВУЛКАНА» Мелодрама  
3.00 «Голод»

**СТС**

7.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Фильм  
7.40, 12.35, 14.30 Мультфильмы.  
8.00 «33 квадратных метра».  
8.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ» Фильм.  
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.  
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.  
10.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
11.00 Кино «БОЛЬШИЕ НЕПРИЯТНОСТИ».  
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Фильм.  
14.00 Комедия «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС».  
17.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».  
17.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ» Фильм.  
18.30 «КОМИССАР РЕКС» Фильм.  
19.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
20.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Фильм.  
22.00 Кино «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ»  
0.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
1.00 «ЧАСТИ ТЕЛА». Фильм.  
2.00 «ВОРОН». Фильм.  
2.45 Кино «УЧИТЕЛЬ НА ЗАМЕНИ».  
4.40 «ТАКСИСТ». Фильм  
6.10 Музыка

**7 ТВ**

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 7 новостей.  
6.05, 13.05 «Советский спорт»  
6.25, 22.25 Бокс. Легендарные бои XX века.  
7.05 Зарядка для страны.  
7.25, 8.25, 9.25 Веселые старты.  
8.05, 18.05 «220 вольт».  
9.05, 10.05, 19.05 Музыкальный трек.  
10.25 Мультсериал.  
11.05, 18.35 Звезда автострады.  
11.25 NASCAR: Back in the day.  
12.05 KOTV: классика бокса.  
13.25 Гольф. Европейская неделя.  
14.05, 18.25 AutoFashion.  
14.25 «Легкая атлетика». Журнал IAAF.  
15.05, 17.05, 19.25, 20.25, 21.05 Экстремальный спорт.  
15.35, 2.35 Гонки RTCC.  
16.05, 20.05, 4.25 Магия оружия.  
16.25 Бега и скачки.  
17.25 Total регби.  
22.05, 2.05 Диалоги о рыбалке. Классика.  
0.05 Дартс. Чемпионат мира.  
1.05 Покер. World Poker Tour.  
2.25 Картинг.  
3.05 Покер. European Open Poker.  
4.05 Бешеные колеса.  
4.35 Экстремальный контакт.  
5.05 Футбол. Чемпионат России. «Химки» (Московская область) - «Динамо» (Махачкала).



**«Ўзбекистон» телеканал**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида», «Ёз - ўтмоқда соз».  
9.10 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Кундуз амакининг хикоялари». Мультсериал.  
10.25 Мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочиларининг республика кўрик-танлови.  
10.55 Биржа ва банк хабарлари.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Ишқ эртаги».  
11.55 «Дил таронаси».  
12.00 «Ахборот»  
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хонобод», «O'zbektelefilm».  
12.25 «Яхшилик».  
12.45 «Чин муҳаббат».  
13.50 Олтин мерос.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.  
15.20 «Заковат».  
16.15 «Олтин бешик».  
«Болалар сайёраси».  
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 Эски альбом.  
17.20 «Хаёт ва қонун».  
17.40 «Дил таронаси».  
17.50 2006 - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Эзгулик».  
18.10 «Умр дафтари». 2-қисм.  
18.30 «Оҳанглар оғушида».  
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.  
19.10 «Банк ва мижоз».  
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги».  
21.00 «Ахборот».  
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». М. Каримов.  
22.00 «Чин муҳаббат».  
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».  
23.40-23.45 Тунги наволар.

**«Ёшлар»**

**телеканал**

6.00 ЯНГИ ТОНГ.  
8.00 Давринг боласи.  
8.10 «Фан» туркуми: «Тўлқинлар».  
8.20 Рўзгор мактаби.  
8.40 Ракурс.  
9.00 «Қалбим чечаги». Сериал (яқунловчи қисм)  
9.50 Юртим юраги.  
10.00 Давр.  
10.15 «Сув ҳам тугайдими?» 1-қисм.  
10.35 2006 - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Меъёр - соғлиқ гарови».  
11.10 Шарқ оҳанглари.  
12.10 «Фурур». Сериал 26-яқунловчи қисм.  
13.00 Давр.  
13.15 ЯНГИ КУН.  
14.15 «Фан» туркуми: «Кимёвий элементлар жадвали».  
14.25 Яшанба нонуштаси.  
14.55 Ватан ҳақида ўйлар.  
15.00 «Экспедиция». Сериал.  
15.50 Муסיкий лаҳзалар.  
16.00 Давр.  
16.15 Кулги терапия  
16.30 «Камгарин қулингиз». Бадиий фильм.  
17.55 «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Сериал.  
18.35 Болалар табассуми.  
18.40 Ёшлар куйлаганда.  
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.  
эсимга тушса, қора кийинган галати одам мени нимадан хабардор этмоқчи эди, деб ўйлаб қоламан. Ҳануз саволимга жавоб топа олмайман...

Сардор ХЎЖАЕВ,  
Тошкент.





КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ УЛУҒЛАНГАН РИСОЛА

«Тўйим куни чимилдиққа кириб кетаётганимда онам:

– Ўғлим, – деб мени секин чақирдилар. Тўхтаб, ортимга ўғирилдим. Онаминг чорлаб турган овозини эшитиб, унинг ҳам шод, ҳам маъноли, ҳам ташвишли нигоҳларини кўриб, кўзларимга жикқа ёш келди...

... Ўзбекларда никоҳ кечаси шундай одат бор. Унда эр йигит аёлининг пойига мук тушмасдан, ортига бот-бот қараб, онасини, жигарларини, меҳрибонларини эслаб туриши, унутмаслиги учун она чимилдиққа кириб кетаётган ўғлининг эътиборини ўзига қаратади...

Ушбу парча таниқли тележурналист, ойнаи жаҳон орқали 18 йилдан бери хонадонларимиз меҳмони бўлиб келаётган «Хамшаҳарлар», истиқлол йилларида эфир юзини кўрган «Менинг маҳаллам» кўрсатувларининг муаллифи ва бошловчиси Шавкат Азизовнинг яқинда нашрдан чиққан «Ота уйи» номли рисоласидан олинди. Муаллиф рисоланинг мазмун-маъносидан ўзбек оилалари ўтган ҳаётини, миллатимиз урф-одатларини, кадриятларимизни қаламга

олади. Ўз болалигини хотирлайди. Мўъжазгина ҳикояларда оила устунлари бўлган ота-она куёшдек нур сочиб туради. Муаллиф одамлар орасида меҳрсизликни, бағри-тошлиқнинг урчиб кетиши жамиятни парокандаликка олиб келишини таъкидлайди. Турмушнинг ҳар қандай оғир синовлари чоғида ҳам меҳроқибатни унутмаслик лозимлиги ҳақида мушоҳада қилади.

Рисоланинг «Ота уйи» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Унда айни бугунги кунда долзарб бўлиб турган

одамлар орасида қавм-қариндошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга чақирилади, одамгарчилик, инсоф, диёнат деб аталмиш хислатлар тараннум этилади. Шунингдек, инсоннинг туғилиб ўсган гўшасига меҳри, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, кўни-қўшнилар орасидаги муносабатлар тилга олинади.

«Бу дунё қувончлари» туркумининг биринчи китоби бўлган рисола ҳар бир оила кутубхонасидан муносиб жой олишига ишонамиз.

Иброҳим ҲАСАНОВ.



ТАБРИКЛАЙМИЗ

Абдуғаппор Райимжонович МИРЗАЕВни табаррук 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳаёти булоқ сувидек тиниқ, мусаффо осмондек беғубор бўлсин. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар, мартабаси эса бундан ҳам юқори бўлишини тилаймиз.

Оила аъзолари номидан акаси Абдумўмин Райимжонов.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

**ОТИ – УЛУҒ,  
СУПРАСИ – ҚУРУҒ**

Вариант: «Оти улуг – қовурғаси қуруғ». Бу мақолларни кўпинча ўзи донғи кетган бой бўлатуриб, зиқна-хасислик қиладиган, «тўртта» одамни бундоқ уйига чақириб, дастурхон ёзмайдиган, фақат ўзининг «фалончи»лигидан керилиб, мағрурланиб юрадиган одамларга нисбатан киноя тариқасида қўлланганлар.

**ОТИГА КУЧИ ЕТМАГАН –  
ШОТИНИ ТЕПКИЛАЙДИ**

Буни мажозий маънода ўзидан зўрларга гапини ўтказа олмаган, улардан гап эшитган ё зарб еган одам бунинг аламини ўзидан кичик, ожиз бўлган одамлардан олса, уларнинг айби бўлмаса ҳам уришса, сўкса, койиса, урса – киноя тарзида қўллайдилар. «Исонинг аламини Мусодан олади» иборасини ҳам шундай одамларга нисбатан ишлатдилар.

**ОТИМ – ОВУЛ,  
ҲАР НЕ ДЕСАНГ – ҚОВУЛ**

Халқимизда ўғил болаларга «Овул», «Овулбой» деган исм қўйиш одати ҳам бор. «Қовул – қабул» сўзининг талаффузга ва қофияга мослаштирилган кўриниши. Бу мақолни ниҳоятда камтарин, одобли, ҳар кимнинг ҳар қандай гапини ҳам маъқуллаб турадиган, ким нима деса – йўқ демайдиган, ким нима иш бу-

юрса, «хўп бўлади» деб, дарров бажара қоладиган мўмин-қобил одам тилидан айтганлар ва шундай тоифадаги одамларга нисбатан ижобий маънода қўллайдилар.

**ОТИНГ БОРИДА ЕР ТАНИ,  
ОШИНГ БОРИДА ЭР ТАНИ**

Вариант: «Ошинг борида эл тани, Кучинг борида ер тани»; «Отанг борида эр тани, Отинг борида ер тани»; «Отинг борида йўл тани, Эсинг борида эл тани»; «Ошинг борида эр тани, бериб юриб, Отинг борида ер тани, елиб юриб»; «Ўз кучингни елга берма, ерга бер, Жамғармангни селга берма, элга бер». Бу мақоллар билан: «Умр – ўткинчи нарса. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси-ю фурсати – ганимат. Шунинг учун умрингни беҳуда, зое ўтказиб юборма. Куч-имкониятинг бор пайтда уларни ишга солиб қол: узоқ-яқинга сафар қил, дунёни кўр, ошна-оғайни, дўсту ёр орттир», деган маънода насиҳат қиладилар.

**ОТИНГ ХЎРА БЎЛСА –  
БЕРДИ ХУДО, ХОТИНИНГ  
ХЎРА БЎЛСА – УРДИ  
ХУДО**

Бу билан ҳазил-мутойиба тарзида: «Отинг хўра, яъни еярман бўлса – яхши, чунки семириб, тўлишиб, кўркам ва кучли бўлади. Аммо хотининг хўра бўлса, топган-тутганингни «еб қўяди, биринг икки бўлмайди», дейилмоқчи. Вариант: «Яхши келин келса – берди худо, ёмон келин келса – урди худо».

## МУНАЖЖИМЛАР БАШБОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**КҮЙ. 21 март – 20 апрель**  
Дастлабки кунлар кўп масалаларни ҳал этишда шахсий манфаатингизни кўзлаб иш кўрасиз. Ҳаётдан имкон қадар завқ олишга ҳаракат қилинг. Сизга фойдаси тегадиган инсонлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун бор имкониятни ишга солишингиз зарур.

**СИГИР. 21 апрель – 20 май**  
Турмуш тарзингизни ўзгартириб, оиладаги мавқеингизни яхшилаб олишингиз мумкин. Ўзингиз ёки танишларингиз тажрибасидан фойдаланиб иш кўринг. Яқшанба куни ота-онангизни йўқлашни маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**  
Янги вазифаларга киришиш учун кулай даврдир. Яқинларингиз билан борди-келдиларни яхшилаб оласиз. Муносиб ютуқларни қўлга киритасиз. Атрофингиздаги одамлар билан келишолмай қолсангиз бирор ноҳўя сўз айтишга шовилманг. Чунки кўп ўтмай яна ҳаммаси ўз изига тушади.

**ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**  
Ушбу етти кунлик сиз учун омадли келиши кутилмоқда. Амалий шериклар билан алоқалар мустаҳкамланади. Сафардан яхши таассуротлар оласиз. Зиммангиздаги вазифалар муваффақиятли удаланади. Яқинларингизга кўмаклашиш имконияти бор.

**АРСЛОН. 23 июль – 23 август**  
Дастлабки кунлар муҳим масалаларни кўнгилдагидек ҳал этасиз. Айрим ёрдамга муҳтож қариндошларингиз меҳр-мурувватингиздан баҳраманд бўладилар. Ҳафта давомида сизни яхши кайфият тарк этмайди.

**БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**  
Хонадонингизда юзага келган муаммоларни осонгина ҳал этасиз. Эътиборли инсонлар билан муносабатлар ўзингиз кутган даражада яхши кечади. Вазиятга қараб иш тутинг. Шахсий ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

**ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**  
Ҳаётингиз мазмунли ўтиши учун бор куч-қувватингизни ишга солинг. Эришган ютуқларингизни атрофдаги одамлар, ҳатто дўстларингизга ҳам ошкор этмаганингиз маъқул. Бирор муҳим вазифага киришмасликни маслаҳат берамиз. Чунки омад кулиб боқмаслиги мумкин.

**ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**  
Оиладаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ келишмовчиликлардан эҳтиёт бўлинг. Агар ҳаётингизда бурилиш ясамоқчи бўлсангиз бор куч-гайратингизни ишга солишингизга тўғри келади. Яқинларингиз саъй-ҳаракатларингизга муносиб баҳо бериб, қўллаб-қувватлайдилар.

**ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**  
Қатийлик ва жўшқинлик фаолиятингиздаги асосий мезон бўлмоғи зарур. Ўзгаларга ҳавас билан қарашингиз қариндошлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, бажараётган ишингиз ва шахсий ҳаётингизда омад келтиради. Фақат ўзингизни ортиқча уринтириб қўйманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**  
Ушбу ҳафтада кўлингиздан келмайдиган иш йўқлигини амалда исботлашсиз. Интеллектуал ва ташкилотчилик қобилиятингизни намоён этиш имконияти бор. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Юрагингизни ишқ-муҳаббат туйғуларни қамраб олади.

**ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**  
Дўстларингиз билан низо келиб чиқшидан эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилишдан ўзингизни тийганингиз маъқул. Белгиланган режалар асосида иш кўришингиз мақсадга мувофиқдир.

**БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**  
Анчадан бери қийнаб келаётган амалий ишлардан воз кечиш ниятингиз бор эди. Ҳозир айнан шунинг вақтидир. Зиммангиздаги вазифаларни қай тариқа унумли бажариш ҳақида ўйлаб кўринг. Ушбу ҳафтада ўзингизни бахтли ҳис этиш учун барча имкониятлар мавжуд.



# БУЮК УЧ ФУТБОЛЧИНИНГ ХАЙРЛАШУВИ



**Пеле — Эдсон Арантис ду Насименту**

23 октябрда бразилиялик футбол қироли 66 ёшга тўлади. Кўнгилчанлиги боис, унинг футбол билан хайрлашиши анча қийин кечди.

31 ёшида Пеле терма жамоадан бутунлай кетатуриб, кўз ёшига эрк берди. 34 ёшида эса «Сантос» жамоаси билан ҳам йиғлаб туриб хайрлашди. Орадан икки йил ўтгач, «Космос» унинг фаолиятидаги сўнгги жамоа бўлди ва бу сафар умрбоқийга футбол оламини тарк этди. Йиғлади, ҳеч кимдан уялмай, ҳеч кимга эътибор бермай болаларча хўнграб йиғлайверди.

Йиғламай бўладими? Ахир, «Маракана» стадионига йиғилган юз минглаб мухлислар жўр бўлишиб нола қилишмоқда: «К-е-т-м-а!!!»...



**«Сехргар қўл» — Диего Армандо Марадона**

Марадона эса 30 август куни 46 ёшини нишонлайди. Йигирманчи асрдаги яна бир қиролнинг футболдан кетиши, афсуски, жуда аламли бўлди.

90-йиллар бошида у гиёҳвандлик балосига йўлиқди. Лекин мухлислар ундан юз ўгиришмади. 1994 йили АҚШда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраркан, Марадона катта ваъда берди: «Наркотикага яқинлашмайман, жонажон Аргентинамга Жаҳон чемпионати кубогини олиб келаман!»

Греция термасининг мағлуб этилиши хайрли ишнинг бошланишидек кўринган эди. Аммо тузатиб бўлмас воқеа рўй берди. Допинг-назорат кўриги натижаси Марадонанинг қонида гиёҳвандлик моддаси — эфедрин борлигини кўрсатди. Баҳоналар ўтмади, буюк футболчи чемпионатдан шармандаларча четлатилди. Қолган ўйинларни Диего томошабинлар қаторида лиммо-лим кўз ёшини кўрсатмаслик учун қора кўзойнак тақиб кузатди. Дунёнинг энг иқтидорли футболчиси шу тариқа ўз фаолиятига якун ясади...



**Зизу — Зайниддин Язид Зидан**

23 июнда 34 ёшга тўлган Зиданнинг ҳам катта футболдан кетиши йилларга татиғулик бўлди.

Жаҳон чемпионати якунига етгач, у футбол билан хайрлашишини эълон қилган эди. Унинг бахтига Франция финалгача етиб борди ва голиб ҳам бўлиши мумкин эди. Аммо италиялик ҳимоячи Матерацзининг ҳақорати буюк футболчининг ҳамиятига тегди ва у футбол этикасига зид равишда иш тутди. Оқибатда шундоғам ўзига ўзи яхши маънода қизил карточка кўрсатиб бўлган Зидан ҳақиқий қизил карточка билан «сийланди».

«Кет» маъносини берувчи бу нарса заррача бўлсин, буюк Зизунинг шаънига таъсир қилмади. Унга нисбатан барча-барчанинг олқиши ҳамон янграб турибди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

## ТЕРМАМИЗ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

Германия яшил майдонларида бўлиб ўтган чемпионат терма жамоалар рейтингига жиддий ўзгаришлар олиб кирди. Жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритган ва ФИФА рейтингига жами 1550 балл тўплаб, фахрли иккинчи ўринни банд этган Италия термаси беш карра чемпион деган номга эга бўлиб келаётган бразилияликлардан (1630 балл) кейинда бормоқда. Украина термаси эса бирданига 30 поғона юқорилади. Натижада 45-ўридан 15-ўринга «парвоз» қилди. Рўйхатнинг 3-10-поғоналарини Аргентина, Франция, Англия, Голландия, Испания, Португалия, Германия ҳамда Чехия терма жамоалари эгаллаб турибди.

Ўзбекистон терма жамоаси 50-ўринга кўтарилиб олди. Бунга сабаб, ФИФА рейтингини аниқлашда янги тизим жорий қилинганлигидир. Унга кўра, ўйинлар турли тоифаларга бўлинган ва расмий ўйинлар мавқеи ўртоқлик баҳслариникидан анча баланд қилиб белгиланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур рейтингда Японияга (49-ўрин) қўшни бўлган терма жамоамиз 2006 йилги Жаҳон чемпионатининг Ангола (55-ўрин), Жанубий Корея (56-ўрин), Тринидад ва Тобаго (64-ўрин) ҳамда Саудия Арабистони (81-ўрин) каби қатнашчиларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Баҳрайн терма жамоаси эса рўйхатда 94-ўринни эгаллаган.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ СОҲИБЛАРИ

Профессионал бокс бўйича халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари — Руслан Чагаев ва Қаҳрамон Орзикулов навбатдаги жангда қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритди.

Ўта оғир вазнда дунёнинг энг кучли профессионал боксчилари сирасидан жой олган Руслан ўз фаолиятидаги йигирма иккинчи жангда — Германиянинг Гамбург шаҳрида Буюк Британия вакили Майкл Спроттга қарши рингга чиқди.

Мазкур баҳс голибига аталган совринга Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) нинг «Asia Pacific» ҳамда Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) нинг Руслан Чагаевга тегишли «Inter-

continental Championship» қитъалараро чемпионлик камарлари кўйилди.

Икки чемпионлик камари учун ўтказилган беллашув кўпчилилик мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилди. Чунки чиройли галабалари ва маълумиятсиз фаолияти туфайли Руслан Чагаев кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлиш билан бирга жаҳон чемпионлиги учун асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Ўз вақтида Европа чемпиони бўлган Майкл Спротт эса ўзбекистонлик машҳур боксчини енгиб, жаҳон чемпиони камари учун даъвогарлар қаторига қўшилиш ниятини билдирган эди.

Ўн икки раундлик жангни ҳар икки боксчи кескин ҳужумлар билан бошлади. Бироқ, устун-

лик Руслан томонида бўлди. Ўзбек йигитининг кучли зарбаларини ўтказиб юборган Майкл Спротт беллашувнинг саккизинчи раундида техник нокаутга учради.

Навбатдаги жангни ўз фойдасига ҳал қилган Руслан Чагаев ўзига тегишли «Intercontinental Championship» чемпионлик камарини сақлаб қолиш билан бирга Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) «Asia Pacific» чемпионлик камарига ҳам эга бўлди.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, профессионал боксга ўтган андижонлик Руслан Чагаев фаолияти давомида 22 жанг ўтказиб, йигирма биттасида галаба қозонган. Ўн етти марта рақибларини муддатидан олдин енган, бир

учрашувда дуранг натижа қайд этган. Айни пайтда Германиянинг Гамбург шаҳрида таниқли мураббий Майкл Тимм қўл остида машғулот ўтказётган ҳамюртимиз жаҳон рейтингига ўн иккинчи ўринда бормоқда.

Москва шаҳридаги «Fogum-Hall» спорт мажмуида профессионал боксчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган яна бир ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзикулов ҳам чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Профессионал боксда 58,9 килограммгача вазн тоифасида рингга чиқаётган Қаҳрамон қозоғистонлик Марат Мазимбаев эгаллаб турган Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) «Intercontinental» қитъалараро чемпионлик камарига даъвогарлик қилди.



Ўн икки раундлик жангда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси анча тажрибали ҳисобланган Марат Мазимбаевдан кучли эканини исботлади. Гарчи беллашув голиби очколар ҳисобида аниқланган бўлса-да, учрашув давомида Қаҳрамон Орзикуловнинг бир неча мартаба кучли зарбасини ўтказиб юборган қозоғистонлик боксчи тўрт марта рингга қулади.

Баҳс натижаларини ҳисоб-китоб қилган уч ҳакам 114:110, 117:108, 120:106 ҳисобида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси галаба қозонганини маълум қилди ва (WBO)

«Intercontinental» қитъалараро чемпионлик камари ҳамюртимизга топширилди.

Асли андижонлик 26 ёшли Қаҳрамон Орзикулов профессионал боксдаги фаолиятини беш йил муқаддам бошлаган. Айни пайтда Москвада машғулот ўтказётган ҳамюртимиз ўн тўртта жангдан 11 тасида галаба қозонган, олти учрашувни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган ва бир марта дуранг натижа қайд этган. Жаҳон рейтингига қирқ тўққизинчи поғонани эгаллаб турибди.



ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

# САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

*Ер юзида озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳолатлари касалликлар таскири бейиша олтинги ўринни эгаллайди.*


## ЗАҲАРЛАНИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ушбу ҳолатларнинг 4-5 фоизи Европа, 10-20 фоизи Шимолий ва Жанубий Америка, қолган 60-75 фоизи Осиё ва Африка давлатларига тўғри келади. Овқатдан заҳарланиш асосан консерваланган маҳсулотлардан (ярим тайёр маҳсулотлар), тайёр овқат маҳсулотларининг нотўғри тайёрланиши, технологик жараёнга эътибор берилмаслиги, шу билан бир қаторда минталитет табиатида ҳам боғлиқ бўлган ҳолда бўй беради.

Овқатдан заҳарланишни келтириб чиқарувчи манбалардан бири — салмонелла қўзғатувчилари ҳисобланади.

Касаллик микроблар ва уларнинг токсини билан заҳарланган овқатни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Бу микроблар таркибига салмонелла, стафилококк, ботулизм, стрептококк ва бошқалар қиради. Булар орасида салмонелла овқатдан заҳарланиш кўпроқ учрайди. Касаллик салмонелла қўзғатувчиларини ўзида сақлаган овқатни истеъмол қилгач 4-5 соатдан кейин бошланади. Айрим

вақтларда бу давр 48 соатгача чўзилиши мумкин. Кўнгил айнаши, қоринда оғриқ, ичакларда ўзгариш пайдо бўлиши, ич кетиши, организмнинг сувсизланиши ушбу касалликка кўпроқ хос ҳисобланади.



Кўпинча хасталик кучли бош оғриши, тана ҳароратининг кўтариллиши бош айланиши ва совуқ тер чиқиши билан кузатилади. Даволанган беморнинг соғлиги 2-7 кун ичида қайта тикланади.

Шу қаторда ҳайвонлар ҳам касаллик манбаи бўлиши мумкин. Асосан қорамоллар, чўчқалар,

отлар, ёввойи ва уй паррандалари касаллик тарқатувчи ҳисобланади. Касаллик даврида салмонеллалар ҳайвонларнинг ҳамма органларига тарқалади, қўзғатувчилар ҳатто уларнинг сути ва тухумларига ҳам ўтиши

мумкин. Салмонелла қўзғатувчиларини ташиб юривчилар айниқса болалар учун хавфлидир. Улар бу касалликка катталарга қараганда кўпроқ мойилдир. Одамларнинг касалланиши кўп ҳолларда салмонелла қўзғатувчиси ва уларнинг токсинлари билан ифлосланган ҳайвон ва парранда гўшгла-

ри, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Ҳайвонлар гўшти уларнинг сўйилиш вақтида, озиқ-овқат тайёрланиши ва ташилишида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилмаганда салмонелла қўзғатувчилари билан зарарланишига олиб келиши мумкин. Салмонелла қўзғатувчилари 18-20 даража иссиқдан юқори бўлганда кўпаяди.

Салмонелла қўзғатувчиси билан ифлосланган тайёр озуқа иссиқлик юқори бўлган жойда сақланса, микробларнинг тез орада кўпайиши учун қулай шароит туғилади. Улар суяқ ва ярим суяқ маҳсулотлар, гўштли қиймалар ва паштетларда янада тез кўпаяди. Касалланиш одатда 1-2 кун давом этиб, асосан йилнинг иссиқ ойларига, қўзғатувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларида кўпайишига шароит яратилганда кузатилади.

Санитария-гигиена қоидаларига риоя этилсагина бу касалликдан сақланиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:



— Гўштни фақат ветеринария-санитария кўригидан ўтганларини харид қилинг.

— Гўшт ва гўшт маҳсулотларини музлатгичда, бошқа маҳсулотлардан алоҳида сақланг (айниқса сут маҳсулотларидан).

— Хом ва пишган маҳсулотларни алоҳида тахта ва столларда ишловдан ўтказинг.

— Тайёр таомни ейишдан олдин қайта термик ишловдан (қайнатиб, иситиб) ўтказиб, истеъмол қилинг.

— Куннинг иссиқ вақтларида кремли қандолат маҳсулотларини имкон қадар истеъмол қилманг.

— Тухумни хом ҳолатда еманг.

— Қайнатилган маҳсулотларни тайёрлангандан сўнг тезда истеъмол қилинг, совутгичда ҳам узок вақт сақланишига йўл қўйманг.

— Санитария-гигиена қоидаларига риоя этиб,

озиқ-овқат маҳсулотларининг ювилмаган қўл ва идиш-товоқлар орқали ифлосланиб қолишига йўл қўйманг.

— Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этинг.

— Сут маҳсулотларини қайнатмасдан истеъмол қилманг.

— Антисанитария ҳолатда тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилманг.

— Фоз ва ўрдак тухумларидан қандолат маҳсулотлари тайёрланиши мумкин эмаслигини ёдда тутинг.

— Қиймали маҳсулотларни фақатгина совутгич, музлатгичларда сақланганлигига ишонч ҳосил қилиб, сўнг харид қилиш мақсадга мувофиқдир.

— Фақат қайнатилган сувни истеъмол қилинг.

**Д. ТЎРАНАЗАРОВ,**  
полковник.



Саховатпеша заминининг маҳсулотлари



(Давоми. Боши ўтган сонда).

Икки оғайни кўрқа-писа яна дарё ёқасида пайдо бўлишганда кун уфқдан бош кўтарганди. Қаҳрамон қирғоқдан йигирма қадамча нарида қолди. — Юринг, ака, — деди Хусан унинг тўхтаб қолганини кўриб. — Бор, ўзинг боравер... Хусан юрак ютиб тўлқинда қирғоққа чиқиб қолган «топилма»га яқинлашди. Ҳа, у ҳам, Қаҳрамон ҳам янглишишмаганди.

Бутага ўхшаб кўринган нарса — одам мурдаси эди. Лекин мурданинг афт-башарасини таниб бўлмасди.

Одам борки, кимнидир ёқтиради ёки аксинча. Одам ким биландир уришади, ярашади. Яхши-ёмон сўз ўтиши мумкин ўртадан. Аммо бир-бирининг жонига қасд қилиб бўладими ахир!.. Одам ўлдириш... Йўқ, йўқ, бу одамзотнинг иши эмас.

... Қирғоқ ёқалаб ҳорғин одимлаб бораётган ўсмир — Хусанжон худди қариялардек оғир ўй-хаёлларга берилган эди.

Хўш, энди нима қилсин? Бир инсоннинг мурдаси шу тариқа балиғу қушларга ем бўладими? Йўқ, бунга йўл қўйиш керак эмас. Анави Қаҳрамон акаси ҳам жуфт-такни ростлаб қолди. Яна прокурор бўлар эмиш. Юракдан ҳам берган экан... Энди нима қилади? Яхшиси милицияга хабар бериш керак...

**«ХУДУДА ХАММАЁҚ ТИНЧ!»**

Лейтенант Миразим Мирбаротов шу иборани жону дилидан яхши кўради. У туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмининг тезкор навбатчиси. Иложи бўлса ҳар сафар навбатчилиги ҳақида бошлиққа худди шундай билдирги берса... Унинг ягона орзуси — шу. Тўғри, орзуга айб йўқ, Лекин ҳаёт отлиғ ҳакам бизнинг ҳар қандай режа-мақсадларимизни пучга чиқариши мумкин. У ҳар қадамда тақдиримиз, келажагимизга ўзгартишлар киради, «тахрир қилиб» боради. Инсон ана шу ўзгартишларга иложи борица мослашиб бориши, бунда иймон ва инсоф чегарасидан чиқмаслиги зарур.

«Худудда ҳаммаёқ тинч!..» Айтганимиздек, бу лейтенант Миразим Мирбаротовнинг сеvimли ибораси. Ундан қачон «Ишлар қалай?» деб сўрасангиз, «Эгар!» деб жавоб беради. Бу — ўртча, дегани. Негаки, эгар тулпорнинг ўртасида бўлади-да. Тўғри, у айрим ҳамқабларига ўхшаб, «кун ўтди»га ишламайди. Лекин бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари ҳам йўқ. Бошлиқ топшириқ берса, «Хўп, бажонидил бажарамиз!» деб юғуриб кетади. Лекин югургани... дарвозахонагача. Топшириқ бажарилса бажарилади, бўлмаса — йўқ, Ортиқча жон куйдирмайди. Ҳамиша қўли кўксига: «Уэр, ўртоқ бошлиқ! Қўлимдан келганини қилдим, сира иложи бўлмаяпти. Нима қилай ахир!» Зарур бўлса, ҳўнг-ҳўнг йнглашани ҳам, комедия фильмларидаги бош қаҳрамонларга ўхшаб ҳўшт-так чалиб илжайиб юришни ҳам қўйиладилар. Хуллас, ўта айёр ва мўлтонни. Пича ҳалолроқ ҳам. Ундан ҳеч ким озор топганмас. Бировга фойдаси ҳам тегмаган. Ҳали-бери нафақага чиқишни ҳам ўйламайди. Бунинг сабаби бор: утинининг номига расмий-

лаштирган деҳқон-фермер хўжалигини юриштирида ҳозирги иши анча кўл келяпти. Тонг ёришиб бормоқда. Навбатчилик адоқлаяпти. Навбатдаги ҳисоботни ёзаётган Мирбаротов бу сафар ҳам иштиёқ билан таниш жумлани қоғозга туширяпти. «Худудда ҳамма ёқ...» Телефоннинг кетма-кет жиринглаши унинг хаёлини бўлди. — Эшитаман. Навбатчилик қисми, — деди Мирбаротов гўшакни олар экан. Гўшакдан паст ва ингичка товуш келди: — ... Амаки...

ўтказиб юрган фикрлар ёдига тушди, холос. Мирбаротов бу сафар иккиланмади. У шошиб радиотелефонга ёпишди... — Алло! Алло!.. Рациядан шовқин аралаш овоз эшитилди: — Эшитаман! — Ўртоқ бошлиқ. Дарё ёқасидан одам мурдаси топилибди... Мени эшитяйсизми?... Кўп ўтмай навбатчилик қисми машинаси дарё томон елдек учиб кетди.

бўғиб ўлдирилгани шундоқ кўриб турарди. 199.. йил 7 ноябрь куни Келес дарёсининг юқори оқимида, Сариёғоч тўғонидан 100 метрлар нарида, Қозоғистон Республикаси ҳудудида осие миллатига мансуб, 30-35 ёшлар чамасидаги, юқоридаги каби қийнаб ўлдирилган, сўнгра бошига қоп кийдириб, сувга чўктирилган эркак кишининг жасади топилди. 8 ноябрь куни Сариёғоч тўғони тўсилди. Дарёдаги сувлар маҳсул мосламалар билан чиқариб ташланди. Дарё кўздан қечирил-

Энг сара, тажрибали мутахассислари иштирокида тузилган беш тезкор қидирув гуруҳи ваҳший тўданинг қилмишига чек қўйиши зарур эди...

**ШОШИЛИНЧ КҮНҒИРОҚ**

Республика ички ишлар идоралари ходимларининг юмушлари кўпайгандан кўпайди. Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида рўй берган мудҳиш воқеалар уларни жуда сергаклантирди. Айниқса, мамлакат ички ишлар вазирининг ҳаловати йўқ. У жиноят қидирув Бош бошқармаси ва бошқа хизматлардан келиб турган ахборот ҳамда маълумотлардан қоникмай воқеа жойига шаҳсан ўзи отланди. Вазир мудҳиш воқеа содир бўлган ҳудудни беш қўлдек биларди. Милиция олий мактабини тугатгач, уни йўлланма билан шу туманга юборишганди. Дастлаб участка вакили, бироз тажриба тўплагач бошлиқ ўринбосари этиб тайинлашди. Кейин Академияга кетгунга қадар вилоят ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатди.

Туман аҳолиси зич, турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Маркази — Келес шаҳри. Келесдан Тошкентгача бўлган масофа — беш-олти чақирим. Бу ерлик деҳқонлар асосан мева-сабзавот етиштириб, тирикчилик қилишади. Эл таниган, обрўли кишилар кўп. Улар орасида умрини қамоқда ўтказётганлар ҳам бор. Кўпчилигини қинғир ишлари учун темир панжарага ўзи жўнатган. Хўш, мудҳиш қотилликка кимлар қўл урган бўлиши мумкин? Вазир йўл-йўлакай шулар ҳақида ўйлаб, жиноят оламида танилганларни бирма-бир кўз олтидан ўтказа бошлади. Бироқ бир тўхтамага кела олмади.

Шу пайт машинадаги телефон қаттиқ жиринглади. Ҳайдовчи уни вазирга узатаркан, деди:

— Ўртоқ вазир, сизни Олмаотадан сўрашяпти. — Ассалому алайкум, оға! Гўшакдан қатъий, аммо ширали овоз эшитилди: — Ҳа, бовурум жақсимисиз? Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг билан суҳбат анча давом этди. Улар рўй берган мудҳиш қотиллик жиноятини тез орада очиш ва ёвузларнинг асл башараси, қилмишларини фош этиш бўйича мулоҳазалар, ўй-режалар билан ўртоқлашишди.

— Иним, Президентингиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясида халқаро терроризмнинг олдини олиш бора-сидаги ташаббуси ҳўп маъқул иш бўлди-да!.. — Оға, биз ҳам муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг Юртбошимиз билан ҳамшиша ҳамфикр ва энг яқин дўст эканликларини жуда қадрлаймиз.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг мудҳиш қотилликларни очиш бўйича асосий ташкилий, тезкор-қидирув талбирлари режасини тасдиқловчи маҳсул буйруқни имзолади.

(Давоми бор).



— Гапиринг, қулоғим сизда. — Амаки... — Гапиринг, тинчликми ўзи? — Дарёнинг ёқасида одам ўлигини кўрдим. — Қаерида? — Тўқайзор яқинида... Айилиш тарафида... — Ҳозир қаердасиз? — Тўқайтепа қишлоғининг чет-тида. Бир хонадонда. Шу ерда телефон бор экан. — Ўликни кўрган жойингизни кўрсатиб бера оласизми?... — Ҳа. — Ҳозир етиб боришади. Дарвоқе, исм-шарифингиз?... — Хусанжон Ҳасанов. Амир Темуր номидаги 36-мактабнинг ўнинчи синфиди ўқийман.

**«...ТРЕВОГА! БАРЧА ПОСТЛАР ДИҚҚАТИГА!»**

Ушбу ваҳимали буйруқни йигитлик бурчини ўтаб қайтган ҳар бир ўғлон кўп эшитган. У ўқув-ҳарбий машғулотлар пайтида ёки фавқулудда ҳолатлардагина янграйди, милицияда ҳам шундай. Олинган тезкор маълумотларга кўра, 199.. йил 4 ноябрь куни Қозоғистон Республикасининг жанубий вилоятида, Сариёғоч туманидаги Келес дарёси соҳилида жойлашган «Садвинтрест» худудида осие миллатига мансуб, 45 ёшлар чамасидаги, бўғиб ўлдириш аломатлари бўлган ва қўллари орқасига боғланган эркак кишининг мурдаси топилди...

ганда тўғон яқинидан дастлаб иккита, дарёнинг қуйи оқимида жойлашган туманининг сил касалликлари шифохонаси худудидан оқиб ўтувчи қисмидан уч эркак ва бир аёлнинг мурдаси топилди. Қотиллик усуллари аввалгидек... Вазият оғир эди. Тошкент тумани, вилоят ва ҳатто республика миқёсидаги қидирув ишларида шаҳсан республика ички ишлар вазирининг раҳбарлик қилди... Тошкент ва жанубий Қозоғистон вилоятлари прокуратуралари ҳамда ички ишлар бошқармалари томонидан қўшма қарорлар имзоланди. Ушбу муҳим халқаро ҳужжатлардан кўзда тутилган мақсад

... 5 ноябрь куни шу дарёнинг биринчи мурда топилган жойидан ярим чақирим нарида осие миллатига мансуб, ёши тахминан ўттиз-ўттиз бешлардаги, худди шу йўсинда тан жароҳати етказиб ўлдирилган эркак кишининг жасади чиқди.

Тошкент ва жанубий Қозоғистон вилоятлари прокуратуралари ҳамда ички ишлар бошқармалари томонидан қўшма қарорлар имзоланди. Ушбу муҳим халқаро ҳужжатлардан кўзда тутилган мақсад

6 ноябрь куни яна шу дарёнинг юқори қисмидан, кечаги мурда топилган ердан йигирма беш метр юқоридан осие миллатига мансуб, 25-30 ёшлар чамасидаги, аввалгидай тан жароҳати етказилган беш нафар эркак кишининг мурдаси топилди. Улардан иккитасининг қўллари, учтасининг эса бўйини сунъий иплдан эшиб тайёрланган чилвир билан боғлаиб,

— кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликни содир этган қотиллар тўдасини топиш ва фош этишдан иборат эди.

Кейинги икки кун дарёнинг турли қисмларидан ўн олтига мурда чиқди! Бу ҳунрезлик қачонгача давом этади? Ажал дарёсининг суви қачон соф бўлади?


Ҳар икки республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг



Table with 8 columns listing names and titles of individuals involved in the investigation, such as 'Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси Кобил КАЗАКОВ' and 'Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши криминалистика кафедраси доценти Рустам МАҲМУДОВ'.



# КРОССВОРД



**Ёйлар бўйича:** 1. Рўзгор буюми, махсус мато. 2. «Йулбарс терисини ёпинган пахлавон» достонини ёзиб қолдирган грузин мумтоз шоири. 3. Тарашлаб сайқал берилган қимматбаҳо олмос. 4. Усимликдан олинадиган, қоғоз ишлаб чиқаришда ишлатиладиган модда. 5. Лирик кўшиқлар ижроси, тожик хонандаси, халқ артисти. 6. Пойтахтимиздаги XIX асрда бунёд этилган меъморлик обидаси, мад-

**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**

**Мурожаат учун телефонлар:** 139-73-88  
139-75-37

**Бизнинг электрон манзилимиз:** [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

раса. 7. Тригонометрик функция. 8. Мақомлар ижроси, Ўзбекистон халқ ҳофиси. 9. Сувсевар. Серсоя дарахт. 10. Чирмашиб ўсувчи манзарали гиёҳ. 11. Узунлик ўлчо-ви бирлиги. 12. Буюк Британия ороллари худудидаги давлат. 13. Маълум муддатга сайланадиган қонун чиқарувчи давлат органи. 14. Ёруғликни акслантирувчи асбоб. 15. Транспорт воситаси тури. 16. Темир йўл машинаси. 17. Бўйинбоғ. 18. Артиллерия қуроллари ўрнатилган ва торпедалар билан жиҳозланган тезюрар ҳарбий кема. 19. Қадимда қурилган махсус ёпиқ ҳовуз. 20. Ўзбек футбол юдзузи. 21. Қўлда тўқилган шойи газлама. 22. Шифобахш парҳез таом. 23. Покистондаги шаҳар, маъмурий марказ. 24. Ютуқли ўйин. 25. Шамол. 26. Мақолдан: «... сўз, соз сўз.» 27. Тўпурақ футболчи. 28. XX аср инглиз адаби. 29. Бугдодан олинадиган озуқа. 30. Юпитер сайёраси йўлдоши. 31. Сўз туркуми. 32. Куш ошёни.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ.**

## ҲАДИСЛАР

**Гуноҳсиз пок одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар, мазкурларнинг ҳаммасига Тангрининг ғазаби ёғилур.**

\*\*\*  
Ҳаё – имондандир.  
\*\*\*

**Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлак қисми-дир. Уятсизлик ва сергаплик мунофиқликнинг икки бўлак қисми-дир.**

\*\*\*  
Кимнинг қалбига Тангри инсониятга нисбатан раҳму шафқат ато этмаган бўлса, у энг зиёнкор бандадир.  
\*\*\*

**Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.**

Беш хил гуноҳ кечирилмайди: 1. Тангрига ширк келтириш. 2. Ноҳақ қон тўкиш. 3. Мўминларга нисбатан бўҳтон уюштириш. 4. Жангдан қочиш. 5. Қасам ичиб бировнинг ҳақини ноҳақ ўзлаштириш.

\*\*\*  
**Сизларнинг яхшиларингиз – хушхулқ, ширин суҳбатлиларингиздир. Ёмонларингиз эса оғзини тўлдириб, эзмалик ила кўп гапирувчиларингиздир.**

\*\*\*  
Сизларнинг яхшиларингиз – узоқ умр кўриш билан бирга яхши ишларни қиладиганларингиздир.  
\*\*\*

**Дўстларнинг яхшиси – Тангрини зикр қилишингга ёрдами тегадиган ва ёддан чиқарганингизда эслатадиганидир.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# ДОРИ ИЧИШНИ БИЛАСИЗМИ?

**Биз касал бўлганимизда турли дориларни ичар эканмиз, одатда, уларнинг таркиби химиявий моддалардан иборатлигига, шу боис ичаётган суюқлигимиз билан реакцияга киришиши мумкинлигига умуман эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, ана шу реакция оқибатида баъзи ҳолларда ичган доримиз ўз таъсир кучини йўқотиб, организмимиздан чиқариб юборилса, баъзида аллергия бериши ёки захарланиб қолиш ҳам мумкин. Шу боис қайси дориларни қандай суюқлик билан ичишни билиш ҳам зарар қилмайди.**

### Чойга «йўқ» денг!

Юрак, қон-томир ва асаб тизими касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларни чой билан ичиш мумкин эмас. Чунки қуруқ чой таркибидаги танин моддаси неврология, кардиология ва психиатрияда ишлатиладиган дориларнинг таъсир тезлиги ва кучини пасайтиради. Қолаверса, танин дори билан реакцияга киришиб, унинг асосий қисмини танадан «ҳайдаб» чиқаради. Оқибатда сиз шифокор буюрганидан кўра кўпроқ дори ичсангиз ҳам самарасини сезмайсиз.

### Эҳтиёт бўлинг, шарбатлар!

Мабодо сиз шифокор ёзиб берган антибиотик дориларни мева шарбати би-

лан ичмоқчи бўлсангиз, ҳам соғлигингизга, ҳам ҳамёнингизга зарар келтирасиз. Чунки шарбат бу туркум дориларнинг таъсир кучини кескин пасайтиради. Баъзида эса захарланиб қолиш ҳам мумкин. Қарабсизки, яна мўлжалдагидан кўпроқ дори сотиб олишингизга, ҳатто захарланишдан даволанишингизга тўғри келиб қолиши ҳеч гап эмас.

Айниқса, грейфрут (апельсинсимон цитрус мева) шарбати жуда хавфли. Унинг таркибидаги фаол моддалар дорининг таркибини буткул ўзгартириб юборади. Оқибатда шифобахш дори захарли моддага айланади-қолади.

Фақатгина сил касаллигига қарши ишлатиладиган дориларни апельсин шарбати билан ичиш мумкин.

### Сут қамал қилади

Антибиотикларни сут билан ичсангиз, уларнинг танага сўрилишини йўққа чиқаришингизни ёдда тутинг. Овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи юмалоқ ҳагдорилар (пилюля)ни сут билан ичганда уларнинг устидаги ҳимоя қобиги «қамал»да қолади. Яъни сут уларнинг эришига йўл бермайди ва бу дорилар ошқозон-ичак

йўли орқали шундоғича ташқарига чиқиб кетади.


Шифокорлар, одатда, баъзи дориларни, хусусан, таркибида йод, аспирин, аналгин бўлган дори воситалари ва айрим гормонал препаратларни сут билан ичишни тавсия этишади.

### Қаҳва ҳам зарар

Тинчлантирувчи ҳамда таркибида темир, калций ёки магний бўлган дори воситаларини қаҳва ёхуд таркибига кофеин қўшилган ичимликлар билан ичиш ярамайди. Чунки кофеин мазкур дориларнинг кучини пасайтириб юборади. Мабодо, антибиотикларни қаҳва билан ичсангиз, улар ошқозонингизда эришга ҳам улгурмай танадан чиқиб кетади. Аммо парацетамол ва аспиринни қаҳва билан ичиш мумкин. Сабоби у мазкур дориларнинг таъсир кучини икки баравар оширади.

### Алкоголдан эҳтиёт бўл!

Дори билан бирга ёки олдинмакетин ичилган спиртли ичимликлар дори воситасининг таъсирини кутилмаган тарзда ўзгартириб юборади. Яъни дори умуман таъсир этмаслиги ёхуд одатдагидан кучли таъсир этиши мумкин. Масалан, транквилизаторлар, антибиотиклар, инсулин ва гипотензив дориларни спиртли ичимликлар билан ичсангиз, улар эртаси куни ҳам ўз таъсирини сақлаб қолади. Оқибатда сиз нафақат дори ичган кунингиз, балки кейинги кун ҳам ланж бўлиб, уй-



қутираб юрасиз. Шу аҳволда автомобиль бошқариб қолишга тўғри келса борми, бирор бир фалокатдан худо асрасин, деяверинг.

Айниқса, психокоррекцияда қўлланиладиган, депрессия ва эпилепсияни даволашда ишлатиладиган дорилар спиртли ичимликлар билан ичилса, кутилмаган жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини асло унутманг.

### Сувдан яхшиси йўқ

Дори қабул қилаётганда битта қондаги ривоя этиш керак: агар шифокор алоҳида таъкидламаган бўлса, ҳар қандай дорини қайнатилган совуқ сув билан ичган маъқул. Энг муҳими, сув икки-уч қўлтум эмас, камида ярим стакан бўлиши керак.

Энг муҳими дорининг рецепт қоғозини ўқиб чиқиш ёдингиздан чиқмасин. У ердаги кўрсатма асосида дорини овқатдан олдин, кейин, ёхуд бевосита овқатланиш пайтида ичиш керак бўлади. Кўрсатмага ривоя этмаслик ҳам дорининг таъсирини камайтириши мумкинлигини ёдда сақланг.

(«Оила ва жамият»дан олинди).

## Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва рангбаранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Тактифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

**Bosh muharrir**  
**Aziz ERNAZAROV**

Bosh muharrir o'rinbosari  
**Murod TILLAYEV**  
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Furqat Xoliqulov**  
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**  
**Nikita Slavgorodskiy**  
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

**MANZILIMIZ:**  
700029, Toshkent,  
**Yunus Rajabiy**  
ko'chasi, 1

**TELEFONLAR:**  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001. MFO  
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'lini.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2636. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 54806 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.